O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI

*Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси • TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 2001 йил 10 март, шанба • №19 (11.304) • Эркин нархда сотилади

## СИЗ ҲАМИША АЗИЗ ВА МЎЪТАБАРСИЗ




***Шарқда аёллар ҳамиша ардоқланиб, эъзозланиб келинган. Шу ўринда ишонч ва мамнуният билан таъкидлаш жоизки, мустақил Ўзбекистонимизда улар янада кўпроқ қадр-қиммат топмоқдалар. Муҳими аёл бор жойда саранжом-саришталик, меҳру муҳаббат бор. Аёл табассум қилганида эса, хонадонларимизда фаровонлик, тинчлик, хотиржамлик барқарордир. Қарийб бир ҳафтадан бери вилоятимизнинг шаҳар ва туманларида 8 март — Хотин-қизлар куни муносабати билан бўлиб ўтаётган байрам тантаналари юқоридаги фикримизга далил бўла олади.***

Янгийўл шаҳрида 8 март — Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан вилоят аёлларини шарафлаш маросими бўлиб ўтди. Бу ерда шу куни вилоятимизнинг барча шаҳар ва туманларидан келган онахонларимиз, уруш ва меҳнат фахрийлари, фаол хотин-қизларимиз шарафландилар.

Йиғилганларни вилоят ҳокими Уммат Мирзақулов табриклар экан, юзлаб, минглаб аёлларимиз бизнинг фахримиз эканлигини таъкидлаб, уларга энг эзгу




*Суратда: байрам қатнашчиларидан бир гуруҳи.*
***Даврон АҲМАД олган сурат.***

***(Давоми 2-бетда).***

*Тошкент вилояти — Харков области*

### ЕВГЕНИЙ КУШНАРЁВ:

## «ТААССУРОТЛАРИМИЗ БИР ОЛАМ, МАНФААТЛАРИМИЗ МУШТАРАК»



***Миллий истиқлол мамлакатимизда қанотли ташаббуслар ва истиқболли режалар учун катта имкониятлар очди. Савдо-саноат доиралари, тадбиркорлик ҳаракати намоёндаларининг Украинанинг Харков область давлат маъмурияти раиси Евгений Кушнарёв раҳбарлигидаги делегациясининг вилоятимизга уч кунлик сафари бунинг янги амалий далили бўлди. Ушбу сафар чоғида Тошкент вилояти ҳокимлиги билан Харков областининг давлат маъмурияти ўртасида узоқ муддатли савдо-иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий ҳамкорлик тўғрисида Битим имзоланди. Делегация аъзолари — Харковнинг йирик тракторсозлик, машинасозлик, озиқ-овқат саноати корхоналари раҳбарлари ҳам вилоятимиздаги ўз шериклари билан товар айрбошлаш ва савдо-сотиқни йўлга қўйишга оид музокаралар олиб бориб, тегишли ҳужжатларга имзо чекишди.***

***«Тошкент ҳақиқати» мухбирлари учрашув иштирокчиларининг айримлари билан суҳбатлашиб, ўзаро ҳамкорликнинг бундан буёнги қадамлари қандай бўлиши ҳақида гапириб беришни илтимос қилишди.***

### РЕЖАЛАР КЎЛАМИ КЕНГ

**В. ЧЕРЕДНИК,**
**Харков «Турбоатом» акциядорлик жамияти бош директорининг ўринбосари:**

— Умуман, Ўзбекистонга бот-бот келиб, нурчи ҳамкасбларим билан учрашиб тураман. Лекин, мамлакатингиз мустақиллигининг ўн йиллиги арафасидаги бу сафаримиз алоҳида аҳамиятга эга. Ўйлайманки, бугунги учрашувларимиз ҳар икки томон учун фойдали бўлди. Бизнинг Ўзбекистон энергетиклари билан ҳамкорлик дастуримиз 2010 йилгача бўлган муддатни қамраб олади. Унга кўра Оҳангарон ГЭСига ҳар бири 11 мегоаттли иккита

***(Давоми 2-бетда).***

*Қарор ва ижро*

## ОРАСТАЛИК СИЗГА ЁҚМАЙДИМИ?

**Ёки айрим корхона, ташкилот, хўжалик раҳбарлари ва хусусий тадбиркорларнинг «Ободонлаштириш ва кўкаломзорлаштириш ойлиги»ни ўтказишда томошабин бўлаётганлари ҳақида**




ВИЛОЯТИМИЗДА Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўришга анча барвақт, тўғрироғи вилоят ҳокимлигининг шу йил 13 февралда эълон қилинган «Шаҳар ва туман марказларини ҳамда магистрал йўлларни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш тўғрисида»-ги фармойиши биланоқ киришилган эди. Вазирлар Маҳкамасининг «Наврўз байрами муносабати билан мамлакатимизда «Ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлиги»ни ўтказиш тўғрисида»ги қароридан сўнг эса бу ҳаракат янада такомиллашди. Махсус тадбирлар дастури ишлаб чиқилиб, жойларга етказилди.

Хўш, республика ҳукуматининг қарори, вилоят ҳокимининг фармойиши жойларда қандай бажарилмоқда?

БУ САВОЛГА Ўртачирчиқ туманидаги Охунбобоев номли хўжаликда «Ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлиги» қандай давом этаётганига бағишлаб ўтказилган йиғилишда муносиб жавоб берилганди. Хусусан, бу борадаги ишлар талаб даражасида эмаслиги аниқ мисоллар асосида танқидий таҳлил этилиб, навбатдаги вазифалар белгилаб олинган ва шу асосида мутасадди ташкилотларга тегишли топшириқлар берилганди. Мана, шундан сўнг орадан қарийб икки ҳафта вақт ўтди. Бошқача қилиб айтганда, Наврўз умумхалқ байрами тантаналари бошланишига бор-йўғи 11 кун қолди. Демак, қилинган ишларга якун ясаш ва тегишли хулосалар чиқариш мумкин.

Эътироф этиш керакки, ўша йиғилишдан сўнг пойтахтимизни ўраб турган халқа йўлни тартибга келтириш, янги манзарали дарахт кўчатларини экиш, эскиларини бутаб, шакл бериш ишлари анча жонланган. Чунончи йўл ўртасида барпо қилинган кўк йўлакдаги ортиқча тупроқ олиниб, текисланиб, керакли жойларга 2500 туп манзарали япон беҳиси кўчати экилди, автотранспорт ҳаракатланиши қисмидаги ўйилиб кетган жойлар таъмирланди.

Бироқ бу ердаги барча ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари фақат ихтисослашган «Автомагистраль» йўл қурилиш ва таъмирлаш бирлашмасининг Тошкент халқа йўли бўлимигагина тегишли эмас. Маълумки, халқа йўлининг энг кўп қисми Зангиота, қолгани Тошкент ва қисман Қибрай туманлари ҳудуди-

***(Давоми 2-бетда).***

## МУРУВВАТ КЎРСАТИЛДИ

***Тошкент тумани ҳокимлигида Қувайт халқаро жамғармаси пойтахт вилояти ҳокимлиги хотин-қизлар қўмитаси қошида ташкил этилган «Меҳр-мурувват» гуруҳи билан ҳамкорликда хайрия тадбири ўтказди.***

– Бу тадбирни ўтказишдан мақсад, кам таъминланган ва боқувчисини йўқотган оилаларга баҳоли қудрат ёрдам бериш, уларни ҳолидан хабар олишдир, – деди «Меҳр-мурувват» гуруҳи раҳбари Гулзода Юнусова «Туркистон-пресс» мухбирига. – Вилоят бўйича кейинги уч йил мобайнида 350 оилага моддий ёрдам бердик. Бугунги тадбирга Тошкент, Қибрай, Юқоричирчиқ, Оққўрғон туманларида, Оҳангарон, Чирчиқ ва Ангрен шаҳарларида яшовчи боқувчисини йўқотган, ўзга хонадонларда тарбияланаётган етим болалар ҳамда уларнинг оналари таклиф этилди. Ташриф буюрган 350 оилага озиқ-овқат маҳсулотлари берилди ҳамда уларнинг болаларига турли хил ўйинчоқлар ҳадя қилинди.

***«Туркистон-пресс».***

## Бугунги сонда:

**2-бет** **Тошкент вилояти — Харков области:** Мени мамлакатингиз халқининг бағрикенглиги, меҳмондўстлиги мафтун этди. **Сафаримиз биз умид қилганимиздан ҳам зиёда бўлди.**



**3-бет** **Истиқлол манзаралари:** Бу ҳудуддан эл-юрт корига яраган кўп истеъдодлар, маърифат-маданият арбоблари, моҳир ташкилотчилар етишиб чиқишган. Бир пайтлари **донғи етти иқлимга танилган** қоросувлик миришкор деҳқонлар ҳам шу ерда вояга етганлар.

**6-бет** **«Мен журналистман»:** Ваъда қилинган олти табоқли рисола ёзиб тугатилди ва 1959 йили китоб босмадан чиқди. **Мендек ёш ижодкар учун бу воқеа чинакам байрам эди...**



**7-бет** **Жаҳон маданияти юлдузлари:** Рафиқаси — Маринанинг таъкидлашича, **Якубавич экранда қандай бўлса, ҳаётда ҳам шундай — қувноқ, сўзамал, ҳазил-мутойибага ўч.**



**8-бет** **8-саҳифа меҳмони:** Ҳозир биргина Тўйтепа шаҳрининг ўзида икки мингга яқин болалар таэквон-до билан шуғулланмоқдалар. **Улар орасидон юртимиз байроғини кўтарадигон чемпионлар чиқишига ишонаман.**

## ҚИЗҒИН ЎТДИ

***Оҳангарон тумани ёшлари «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ташкил этилишини қизғин маъқуллаб кутиб олдилар ва у ўсиб келаётган авлоднинг айни муддаоси бўлганлигини алоҳида қайд қилмоқдалар.***

Шунга бағишланган ёшлар йиғилиши тумандаги 12-ўрта мактабда ҳам бўлиб ўтди. Унда «Камолот» жамғармасининг туман бўлими раиси Абдумажид Пардабоев янги жамоатчилик ҳаракатини барпо этишдан мақсад ёшларнинг жамиятдаги фаолиятини кучайтиришдан иборат эканлигини таъкидлади. Маъруза юзасидан сўзга чиққан талабалар ва атроф маҳаллалардан келган ёшлар янги ҳаракатнинг мавқеини мустаҳкамлашга қаратилган фикр-мулоҳазаларини билдирдилар, таклифларини баён этдилар.

***Муқаддас АЛИЕВА.***

# СИЗ ҲАМИША АЗИЗ ВА МЎЪТАБАРСИЗ

(Давоми. Боши 1-бетда).

тилакларни изҳор этди ҳамда вилоят тараққиётига ҳисса қўшаётган хотин-қизларимизнинг бир гуруҳига вилоят ҳокимининг фахрий ёрлиқлари ва эсдалик совғаларини топширди.

Вилоят хотин-қизлар қўмитаси раиси, вилоят ҳокимининг муовини Сайёра Хўжаева ўз сўзида вилоятда аёлларимизнинг тутган ўрни ва меҳнатларига тўхталиб, уларга кўрсатилаётган эътибор ва яратиб берилаётган имкониятлар учун миннатдорчилик билдирди ҳамда бир гуруҳ хотин-қизларга фахрий ёрлиқлар ва эсдалик совғаларини топширди.

Вилоят маданият бошқармаси, «Ўзбекнаво» гастрол концерт бирлашмасининг вилоят бўлими қошидаги жамоалар санъаткорлари ҳам шу куни аёлларимиз хизматида бўлдилар.

Ана шундай тантаналардан яна бири Ўртачирчиқ туманидаги Охунбобоев номли ширкат хўжалиги маданият саройида бўлиб ўтди.

Вилоят хотин-қизлар қўмитаси, вилоят ички ишлар бошқармаси шахсий таркиби ҳамкорлигида ўтказилган тадбирга вилоят ИИБнинг барча туман ва шаҳарлари ички ишлар бўлимларида хизмат қилиб келаётган хотин-қизлар, шунингдек, хизмат вақтида ҳалок бўлган ИИБ ходимларининг оилалари, меҳнат фахрийлари, хотин-қизлар қўмитаси фаолларидан 250 киши ташриф буюрди.

Вилоят Ички ишлар бошқармаси бошлиғи, милиция полковниги Шораҳим Расулов ғоятда қийин ва машаққатли хизмат саналмиш ички ишлар тизимида жасоратли ва мард аёллар ҳам хизмат қилишини алоҳида таъкидлаб, уларга Ватан олдидаги бурчларини бажаришда сабр ва матонат тилади. Шунингдек, 8-март муносабати билан вилоят хотин-қизларига йўллаган табрикни етказди. Республика ИИВнинг ҳамда вилоят ИИБнинг фахрий ёрлиқлари, қимматбаҳо совғаларини топширди.

Шу куни тадбирларга ташриф буюрган Муҳриддин Ҳолиқов, Мавлуда Асалхўжаева, Ғиёс Бойтоев, Маҳмуджон Азимов, Озода Нурсаидова, Дилноза Исмияминова ва бошқа таниқли санъаткорлар аёлларимизни мадҳ этишди.

Тадбирда вилоят хотин-қизлар қўмитаси раиси, вилоят ҳокимининг муовини Сайёра Хўжаева иштирок этди ва бир гуруҳ ИИБ ходимларига вилоят ҳокимининг фахрий ёрлиқларини топширди.

Ҳа, аёл бор жойда меҳру-муҳаббат бор. Аёл кулганида эса, олам кулади. Бахтимизга ҳамиша соғ-омон бўлинг мўътабар онахонлар, азиз опа-сингиллар.

***Ўз мухбиримиз.***

*Суратларда: Ўртачирчиқ туманидаги Охунбобоев номли ширкат хўжалигида бўлиб ўтган байрам тантанасидан лавҳалар.*

***Даврон АҲМАД олган суратлар.***





(Давоми. Боши 1-бетда).

турбина ва бошқа ускуналар етказиб берамиз. Пском ГЭСи учун ҳар бири 103 мегаваттли 4та турбина ва бошқа ускуналар етказиб бериш юзасидан шартнома тайёрланмоқда.

Мамлакатингиздаги янги гидроэлектр станцияларини қуриш дастури амал қила бошлаганлигидан ғоят хурсандмиз. Зеро, бизнинг корхоналаримиз бу режаларингиз рўёбга чиқарилишининг амалий иштирокчиларидир. Харков электр машинасозлари мамлакатингиз билан шартномавий ҳамкорлигининг умумий қиймати 120-150 миллион доллар даражасида баҳоланмоқда.

### «БАҒРИ КЕНГЛИГИНГИЗ МАФТУНИ БЎЛДИМ»

**Н. РОМОНОВСКАЯ, Харков «Эффект» акциядорлик жамиятининг бош директори:**

— Тошкентга биринчи бор келишим. Мени мамлакатингиз халқининг бағри кенглиги, меҳмондўстлиги мафтун этди.

Сафаримиз амалий натижалари ҳақида нима дейишим мумкин? Улар биз умид қилганимиздан зиёда бўлди. Вилоятингизда ўз савдо уйимизни очиш хусусида келишиб олдик. Корхонамизнинг ишлаб чиқариш имкониятлари катта. Тиш ювиш пасталари, атирлар, болалар косметикаси маҳсулотлари ишлаб чиқарамиз. Уларнинг сифати ҳақида шуни айтишим мумкинки, бизнинг маҳсулотларимиз Европа бозорларида ниҳоятда харидоргир. Айни пайтда уларнинг нархи арзон. Шу боис аҳолининг барча қатламлари улардан фойдалана оладилар.

### ҲАМ ТРАКТОРЛАР, ҲАМ ЭҲТИЁТ ҚИСМЛАР

**П. ТОДОРОВ, «Харков трактор заводи» акциядорлик жамияти бошқарувининг раиси:**

— Ўзбекистон деҳқонлари Харков тракторларининг имкониятларини яхши билишади. Мустақиллик йилларида биз ҳам бозор муносабатлари жараёнидан ўз ўрнимизни топиб олдик. Биз мамлакатингиз пахтакорлари, деҳқон-фермер хўжаликларига кучли Т-150 типидаги тракторлардан тортиб, 12, 14, 27 ва 36 от кучига эга бўлган енгил ва эпчил тракторлар, улар учун эҳтиёт қисмларгача етказиб беришимиз мумкин. Сафаримиз чоғида бу хусусда кенг фикрлашиб, келишиб олдик.

Ҳамкорлигимизни кенгайтиришимизда «Тошкент» мотор заводи муҳим бўғинга айланиши мумкин. Украина тракторлари учун шу ерда моторлар тайёрлаш имконияти бор. Бундай ҳамкорлик мамлакатингизда фойдаланилаётган Харков машиналарини модернизациялашга йўл очади. Бизлар боғбонлар учун мўъжазгина машиналар, агрегатлар ишлаб чиқаришни ҳам йўлга қўйишимиз мумкин.

* * *

Меҳмонлар Тошкент вилоятининг бир қатор шаҳар ва туманларида бўлишди. Жумладан, Олмалиқ, Чирчиқ ва Янгийўл шаҳарлари саноат корхоналарида ишлаб чиқариш жараёнлари билан танишишди, ўзаро савдо-сотиқ имкониятларини ўрганишди. Бу сафарлар чоғида бир қатор икки томонлама шартномалар имзоланди.

Бизнес-форум иштирокчиларининг якуний йиғилишида сўзга чиққан, Харков делегациясининг раҳбари сафар чоғида эришилган аҳдлашув ва шартномалар ҳар икки томон учун жиддий иқтисодий ривож йўлини очажагига ишонч билдирди.

— Биз ушбу сафардан катта таассуротлар ва чуқур ишонч билан қайтмоқдамиз, — деди жумладан Евгений Кушнарёв. — Унчалик осон кечмаётган ҳозирги ривожланиш босқичида Тошкент шаҳри ва вилоятингизда амалга оширилаётган қурилишлар кўлами бизларни ҳайратга солди. Бу — Мустақил Ўзбекистон халқи ўз мамлакатининг келажагига катта ишонч билан қараётганлигининг далолатидир. Биз мамлакатингизда турли миллат фарзандлари бир оиладек яшаб, меҳнат қилаётганлигини кўрдик. Ўз мустақил мамлакатига, ўз Президентига садоқат ришталари уларни Ўзбекистоннинг буюк келажагини барпо этиш йўлида жипслаштирганлигининг гувоҳи бўлдик. Бу йўлда сизларга янги-янги муваффақиятлар тилайман.

## ЕВГЕНИЙ КУШНАРЁВ:
# «ТААССУРОТЛАРИМИЗ БИР ОЛАМ, МАНФААТЛАРИМИЗ МУШТАРАК»



*Суратда: икки томонлама савдо-сотиқ ҳужжатларини имзолаш пайти.*

***Дилшод АҲМЕДОВ олган сурат.***




# ОРАСТАЛИК СИЗГА ЁҚМАЙДИМИ?

(Давоми. Боши 1-бетда).

га алоқадор. Йўлнинг икки томонида ўнлаб корхона, ташкилот ва муассасалар, хусусий тадбиркорларга тегишли юзлаб савдо ва умумий овқатланиш шаҳобчалари жойлашган. Афсуски, йўлнинг айнан уларга тегишли участкалари ҳамон кўнгилни хира қиладиган хунук манзара касб этиб турибди. Янги дарахт кўчатлари экиш у ёқда турсин, ҳатто, чиқиндилар йиғиб олинмаган, супуриб тозаланмаган, дарахтлар танаси оқланмаган. Ўзларига тегишли биноларни байрам олдидан таъмирлаб, пардозлаб қўйишга ҳанузгача киришмаганлар.

Халқа йўлнинг Ўриксор даҳаси ҳудуди бўйлаб икки томонда маҳобатли чакана ва улгуржи савдо расталари қурилган. Савдо-сотиқ қизигандан-қизиб турибди. Бу яхши албатта. Лекин, мутасаддилар фақат савдодан келаётган тушумни санаш ва тасарруф этиш билан овора. Ён атрофга назар ташлаш, ризқ-рўз топаётган жойини тартибга келтириш, саранжон-саришта, соя-салқин, оромбахш масканга айлантириш, яъни ҳеч бўлмаса савоб учун ҳайрия ишларига ҳам бироз қайишиш, уч-тўрт сўм сарфлаш эса, ҳеч кимнинг хаёлига келмаяпти. Ҳолбуки, бундайларга туртки бўладиган, уйқудан уйғотадиган ва ибрат бўладиган ҳайрли ишлар шу атрофнинг ўзида исталганча топилади.

Республика Ички ишлар вазирлиги академияси жамоасининг саъй-ҳаракатлари эса, айниқса, таҳсинга сазовор. Улар халқа йўлнинг ўзларига тегишли участкасини обдон текислашиб тенг ўлчамларда полларга бўлиб чиқишган. Бир хил оралиқда ва сафга тизилган аскарлардек текис қаторлар ҳосил қилиб, арча ва бошқа манзарали дарахт ҳамда гул кўчатлари ўтқазилган. Кўзни қувонтирувчи бу манзарани томоша қила туриб, аввал тажрибали, уста меъмор ушбу яхлит ансамблнинг тарихини яратган-у, сўнг барча ишлар ана шу лойиҳага қатъий амал қилган ҳолда бажарилган дейсиз.

Тўғри, хусусий тадбиркорларда, айрим корхона ва ташкилотларда бундай имкониятлар бўлмаслиги мумкин. Лекин ўз ҳудудларини тозалаб, текислаб, чопиб, дарахт ва гул кўчатлари экиб, кўрган кишининг баҳри-дили очиладиган қилиб қўйиш ҳам, наҳотки, қўлларидан келмаса? Бунинг учун озгина ҳафсала ва хоҳиш-истакдан бўлак ҳеч нарса талаб этилмайди-ку!

Биз Янгийўл шаҳрининг асосий кўчалари ва йирик корхоналарида бўлганимизда ҳам, ободонлаштириш ишларига турлича муносабатни кўрдик. Чунончи, ёғ-мой комбинати, «Лаззат» қандолатчилик корхонаси жамоалари умумхалқ байрамига ҳозирданоқ яхши тайёргарлик кўриб қўйишган. Аммо, қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва электрлаштириш илмий-ишлаб чиқариш муассасаси биноси олдидаги улкан майдонни эгаллаган дарахтзор боғнинг аҳволини кўриб ачиндик. Бу ерда ҳали ҳеч нарса қилинмабди. Ҳаммаёқ хазон, яқин ўртада супурги тегмаган. Дарахтзорларга ҳам қўл урилмаган, бутаб, тартиб берилмаган, танаси оқланмаган.

Янгийўл шаҳрининг энг катта ва асосий ҳисобланган Самарқанд кўчаси янги лойиҳа бўйича кенгайтирилиб, қайта қурилмоқда. Бинобарин, бу ерда турлича манзараларга дуч келиниши табиий ҳол. Бироқ, айрим ташкилот ҳамда хусусий тадбиркорларнинг ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлигидан четда эканлигини бу билан оқлаб бўлмайди.

Тошкент-Чиноз автомагистралининг ёнгинасида жойлашган 5-автомобилларга ёнилғи қуйиш шаҳобчасида қизиқ манзарага дуч келдик. Ўзини «операторман» деб таништиришдан нарига ўтмаган йигитнинг айтишича, бу шаҳобчанинг эгаси Ҳамидулла Камолхўжаев экан. У атрофдаги қарийб ярим гектар келадиган ерни темир панжара билан ўраб олибди. Аммо панжаралар синиб, қийшайиб, осилиб кетган. Ичкарида эса ахлатнинг исталган хилидан топилади. Энг ачинарлиси бу ерда бирон туп экилган дарахт ёки гул кўчатларидан дарак йўқ. Операторхона эса таъмирланиш у ёқда турсин бино дейишга ҳам арзимайди.

— Буларга даромад бўлса бас, бошқаси керак эмас, — дейди вилоят бош архитектори Адиб Умаров. — Уларни биринчи марта огоҳлантираётганимиз йўқ, афтидан бу охиргиси ҳам эмас. Айтавериб чарчадик, энди нима қилиш керак билмадим...

Биз Янгийўл тумани маркази — Гулбаҳор қўрғонига яна шундай кайфият билан кириб бордик. У ерда махсус коржома кийган одамлар йўл ва ариқларни тозалаб, дарахтлар танасини оқлашяпти. Демак, марказда ҳаракат бор. Бошқа ҳудудларда-чи? Қўрғондан узоқлашиб, Чиноз йўлига чиқишимиз биланоқ бу саволимиз ойдинлашгандек бўлди. Яна ўша гап — қўрғоннинг катта йўлга туташган қисмида қатор жойлашган кичик бизнес иншоотларининг олдидаги кенг жойлар аввал қандай бўлса, шундай аҳволда ётибди. Қум, шағал, тупроқ уюмлари қачон тўкилгани номаълум. Атрофда одам зоти кўринмайди. Бу ерда Наврўз эшик қоқаётганини англатувчи бирон бир белгидан нишона ҳам йўқ.

Сафаримиз давомида биз бир нарсадан, айниқса, ажабландик. Гап шундаки, кун бўйи юриб, бирор ерда оммавий ҳашар бўлаётганини кўрмадик. Ҳолбуки, Вазирлар Маҳкамасининг қарорида, қолаверса, шу қарорнинг ижроси бўйича белгиланган вилоят тадбирларида ҳам жойларда хашарлар уюштириш зарурлиги алоҳида моддаларда кўрсатиб қўйилган. Бу вазифа эса, бевосита «Маҳалла», «Соғлом авлод учун» ва «Наврўз» жамғармалари, «Экосан» халқаро жамғармаси, «Маънавият ва маърифат» кенгаши бўлимлари, қишлоқ фуқаролар йиғинлари, маҳалла қўмиталари зиммасига юклатилган. Жойларда анъанавий халқ хашарлари оммавий тус олмаётган экан, демак, юқоридаги ташкилотлар ўз вазифаларига бефарқ қараяптилар. Шу муносабат билан таъкидлаш жоизки, республика ҳукумати қарорларини бажариш мажбурият бўлса, бу хайрли ишларга кенг халқ оммасини сафарбар этиш жамоатчилик ташкилотларининг, ҳар бир фуқаронинг виждоний бурчидир.

***Абдусамад ЙЎЛДОШЕВ, «Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.***

*Истиқлол манзаралари*

# ШУНДАЙ ҚИШЛОҚ БОР

## ЗАНГИОТА ТУМАНИДАГИ ХОНОБОД ҚИШЛОҚ ФУҚАРОЛАР ЙИҒИНИ ТАЖРИБАСИДАН

**Аслида Хонобод қишлоғини ортиқча таърифлашга хожат йўқ. Мустақиллик йилларида унинг ўзига хос тарихи янги саҳифалар билан бойиди. Бу гўшада истиқомат қилаётган 20 мингдан ортиқ замондошларимиз бозор муносабатларига монанд изланиб меҳнат қилишмоқда, мамлакатимиз тараққиётига ўз муносиб ҳиссаларини қўшишмоқда. Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси 1998 йилиёқ Хонобод қишлоқ фуқаролар йиғинининг ўзини ўзи бошқаришдаги тажрибаларини ўрганиб, бутун республикага ёйиш тўғрисида қарор қабул қилди. Бугунги ҳикояларимиз Хонобод ва унинг ажойиб одамлари, тиниб-тинчимас қишлоқ фаоллари, уларни янги-янги режаларни рўёбга чиқариш учун қовуштираётган фуқаролар йиғинининг раиси Илхом Жўроев хусусида.**

### МИНГ ҚЎШЧИГА – БИР БОШЧИ

Қишлоқ Тошкент шаҳрининг шундайгина биқинида жойлашган. Еру боғ-роғлари, хонадонлари пойтахтнинг Хамза, Бектемир, Сирғали ва Миробод туманлари билан туташ. Бу ҳудуддан эл-юрт корига яраган кўп истеъдодлар, маърифат-маданият арбоблари, моҳир ташкилотчилар етишиб чиқишган. Бир пайтлари донғи етти иқлимга танилган қорасувлик миришкор деҳқонлар ҳам шу ерда voяга етганлар.



Мустақиллик шарофати билан хонабодликлар меҳнати, турмуши ва орзу-умидлари янги мазмун билан бойимоқда. Янгиланиш жараёни бу қишлоқда ҳам янгиликка ошуфта жонкуяр ташкилотчиларни вояга етказди. Улар маҳаллалар, қишлоқ ўз-ўзини бошқарув йиғинларига раҳбарлик қилиб, кичик корхоналар, деҳқон ва фермер хўжаликлари, хусусий устахоналар, савда дўконлари барпо этиб, мустақиллик очган имкониятларни қишлоқларининг ободончилиги, ҳамқишлоқлари маънавий-маданий турмушининг тўлақонли кечиши учун хизмат қилдиришмоқда. Қишлоқ фуқаролари йиғинининг раиси Илҳом Жўраев мана шу ишларга бош-қош.

**РАСМИЙ ТАВСИФНОМАДАН: «Илҳом Жўраев. 1958 йили туғилган. Маълумоти олий, 1995 йил январь ойида Хонобод қишлоқ фуқаролар йиғинининг раислигига сайланган. Икки чақириқ туман кенгаши депутати. Халқпарвар, ўз ишига талабчан, депутатлар билан мунтазам иш олиб боради. Президентнинг қишлоқни газлаштириш, ичимлик суви билан таъминлаш, аҳолининг уй-жой шароитини яхшилаш, кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоялаш борасидаги фармонлари изчил бажарилишига эришиб келмоқда. Ташаббускор, ташкилотчилик қобилияти кучли. Аҳоли ўртасида катта обрўга эга».**

Қишлоқ каттагина, ўн етти маҳалладан иборат. Шу боис раис дастлабки кунданоқ ишни ҳамқишлоқларининг эҳтиёжларини ўрганиб, маҳалла оқсоқоллари, фаолларнинг саъй-ҳаракатларини уларни ҳол этиш учун йўналтиришдан бошлади.

– Ҳар бир ишда қишлоғимизнинг давр руҳини чуқур ҳис қиладиган, бозор муносабатлари кўникмасини пухта ўзлаштириб, иқтисодий, маданий-маърифий ислоҳотларнинг амалга оширилишига ҳамқадам фаолларига таянмоқдаман, – дейди Илҳом Жўраев. – Улар орасида хўжалик, маданий-маърифий ишларда обрў қозонган, катта ташкилотчилик салоҳиятига эга кишилар бор. Соҳибкор, Қумариқ, Хонобод, Гўзал маҳаллалари фуқаролар йиғинларининг раислари Салохитдин Чўтбоев, Аҳмаджон Момадалиев, Салохиддин Мухиддинов, Қозоқбой Шодиев, Эргаш Соиповлар эл ҳурматига сазовор, ҳар ишда маслаҳатчи ва бош-қош оқсоқолларимиздан.

Раис шу йиллар ичида қишлоқнинг ҳар бир маҳалласидаги ҳаётни, одамларнинг яшаш тарзини пухта ўрганиб чиқди. Шунинг учун бўлса керак, бирор муаммо билан унга мурожаат қилган киши қаноатланарли жовоб эшитмай қайтмайди. Бу асло қишлоқ оқсоқоли ҳамма гапга қўшилавероди, ким нима таклиф билан мурожаат қилса, маъқуллаб киришиб кетаберади дегани эмас. Аввало, у ўз мустақил фикрига эга. Қолаверса, И. Жўраев бу катта қишлоқнинг ўтмиши ва бугунини яхши билади, келажагини аниқ тасаввур этиб, қадамини шунга монанд олади.

Маълумки, миллий мустақиллик туфайли мамлакатимиз ислоҳотларнинг кенг кўламли йўлига ўтди. Шу боис Хонободда ҳам хусусийлаштириш жараёни бошланди, турлича мулкчилик шаклидаги катта-кичик корхоналар, савдо, маиший ва бошқа хизмат кўрсатиш шохобчалари барпо этила бошланди. Маҳаллаларнинг маънавий-маданий марказлари-гузарлар шаклланди. Ободончилик, электрлаштириш, газлаштириш, аҳолини ичимлик суви билан таъминлашни яхшилаш, йўлларни созлаш ишларини хошар йўли билан амалго оширишга киришилди. Бир сўз билан айтганда, жамоатчиликка таянилди.

**ҲИСОБОТДАН: «2000 йили маҳаллаларда 12898 туп мевали дарахт кўчатлари экиб кўкартирилди. 3920 метр йўл асфальтланди. 5835 метр янги газ тармоғи барпо этилиб, 8та газ тарқатгич ўрнатилди. 2315метр ичимлик сув қувури тортилди, 30дан ортиқ янги объект фойдаланишга топширилди».**

Бу ишлар ўз-ўзидан бўлмайди, албатта. Уларни рўёбга чиқариш учун қишлоқ оқсоқоли, фаоллор, хўжалик раҳбарлари ва тадбиркорлар баҳамжиҳат бўлиши, каттакичикни шу юмушларни бажаришга рағбатлантира олиш керак. Илҳам Жўраев билан суҳбатлашсангиз, ўз қишлоғини обод ва чароғон кўриш иштиёқида яшаётган кўпдан-кўп жонкуяр ташкилотчиларнинг номларини тилга олади, уларнинг ҳар бири тўғрисида жўшиб-тошиб сўзлайди. Унинг нияти хонабодлик ҳар бир фуқарони мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳатларнинг, янгиланишларнинг фаол иштирокчисига айлантириш. Хонобод қишлоғида қурилиш ва ободонлаштириш, янги иш жойлари барпо этиш тадбирларининг 2001-2005 йилларга мўлжалланган режаси, ёшлар учун шароитларни янадо яхшилаш дастури ана шундай элпарвар, жонкуяр кўмакчилар ёрдамида рўёбга чиқарилмоқда.

### «ЭРТАНГИ КУНИМИЗ, ҚАНОТЛАРИМИЗ»

Хонободда не қадам қўйилса, у ўсиб-улғайиб келаётган ёшларга нима бериш, уларнинг камолоти учун қандай имкониятлар очиши мумкинлиги нуқтаи назаридан ёндошилади. Бирор йиғилиш йўқки, янги авлод тарбияси, ўқиши, боғчолар, мактабларнинг аҳволи, янги иш жойлари ташкил этиш масалалари тилга олинмасин, амалий жиҳатдан ҳал қилинмасин.

– Мен ҳамқишлоқларимнинг бир фазилатидан куч-ғайрат оламан – дейди Илҳом Жўраев. – Бу – бағрикенглик, очиққўнгиллик, саҳоват. Биргина мисолни айтақолай: 24- ва 25-мактабларимизнинг иситиш тизимини тубдан қайта қуриш зарурияти пайдо бўлди. Ҳисоб-китоб қилсак, анчагина чиқим бўлади. Фуқаролар йиғинидаги маслаҳатда бу сарф-ҳаражатларнинг ҳаммасини «Қорасув», «Мустақиллик» ва «Тошкент» хўжаликлари раҳбарлари, тадбикорларимиз ўз зиммаларига олишди.

**МАЪЛУМОТНОМАДАН: «1,5 миллион сўм сарфланиб, 24-мактаб газ билан иситишга ўтказилди. 25-мактабга газ билан ишлайдиган янги қозонхона ўрнатилди. 26-мактаб томини таъмирлашга 400 минг сўм сарфланди».**

29-мактаб директори Х. Мавлонова шундай эслайди:

– Мактабимиз 70 йиллар муқаддам очилган. Кичик, яхши ёритилмайдиган ҳужраларда ўқишни тўрт сменада олиб борардик. Бир синф ўқишни тамомлагунча кейинги смена ўқувчилари ташқарида кутиб туришарди. Қишлоқ фуқаролор йиғини бу муаммоларни туман ҳокимлигининг эътиборига ҳавола қилди..

Бундан бир йилча илгари Хонобод қишлоғи фуқароларининг катта бир йиғилиши чақирилди. Унда қишлоқдаги барча турдаги хўжаликлар, ташкилот ва муассасалар, кичик корхоналар, якка тадбиркорлар иштирок этишди. Туман ҳокими Ҳ. Нурматов 29-мактабнинг аҳволи, қўшимча синф хоналарини барпо этишнинг бориши ҳақида гапириб, бу қурилишни тезлаштириш лозимлигини алоҳида таъкидлади.

– Қурилиш учун ер майдони ажратиб берганимизго ҳам ўн йил бўлаяпти, – деди «Қорасув» деҳқон хўжалиги раиси Аъзам Абдувалиев. – Шу қурилишни хашар йўли билан битказмасак бўлмайди.

Тадбиркор Эргаш Ғаффоров, Зокирхожи ака, фермер Тошхўжа Ёқубов ҳам бу ташаббусни қувватлаб гапиришди. Шу йиғилишда ҳоким раҳбарлигида қурилиш штаби ташкил этилди. Қурилиш жамғармасига қисқа муддатда 4 миллион 500 минг сўмдан кўпроқ маблағ тўпланди. Тадбиркорлар цемент, ғишт, шлакоблок, ёғоч-тахта олиб кела бошлашди. Шу тариқа қишлоқда яна бир катта, ҳайрли ишга киришилди.

Қишлоқ фуқаролар йиғини ёшлар билан ишлаш кўламли вазифа эканлигини яхши билади. Шу туфайли ҳеч бир масалани эътибордан четда қолдирмаслик ҳаракатида бўлади. Меҳнат ва уруш фахрийлари, ҳуқуқ-тартибот ва қонунчилик идоралари раҳбарлари билан ёшларнинг учрашувлари, савол-жавоб кечалари тез-тез ташкил этилади. Йигит-қизларнинг мустақил Ватанимиз қонунларини ўзлаштириб олишлари, уларда ҳуқуқий маданиятни тарбиялашда бевосита маҳаллаларнинг роли катта бўлмоқда.

Қишлоқ оқсоқоли Илҳом Жўраевга ёшлар муаммолари хусусида қандой савол берманг, жўяли жавоблар оласиз.

– Қишлоғимиздан катта йўллар ўтади, – дейди у. – Табиийки, бу муайян муаммолар ҳам келтириб чиқаради. Инчунин, кечаю кундуз огоҳ бўлишимиз керак.

**МАЪЛУМОТНОМАДАН: «Хонобод қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги 17та маҳаллада «Халқ посбонлари» жамоат тузилмалари ташкил этилди. Номзодлар саралаб олинди. Эндиликда 50 халқ посбони жиноятчиликнинг олдини олиш, жамоат тартиби ва осойишталикни сақлаш учун ҳудудий милиция инспектори билан баҳамжиҳат иш олиб бораётир».**

Беш қўл баробар эмас, албатта. Қишлоқда гоҳида нохуш холлар ҳам юз бериб қолади. Фуқаролор йиғини уларнинг олдини олиш учун профилактик тадбирларга алоҳида эътибор қаратмоқда. Ота-оналар, қўни-қўшнилар кўмагида турли тартиббузарликларнинг олди олинаётир. Ёт оқимлар таъсирига тушиб қолган айрим ёшлар дарҳол ҳисобга олиниб, жамоатчилик таъсирида тарбиялаш чоралари кўрилаяпти.. Бирор жиноят содир этиб, ҳукмни ўтаб келганларга ҳам эътибор алоҳида.

Ёшлор тарбиясида спорт тобора катта ўрин тутмоқда. Жисмоний етуклик мустақил мамлакат ёшлари баркамоллигининг муҳим жиҳатига айлонди. Шу баис қишлоқ фуқаролар йиғини, маҳалла оқсоқоллари йигит-қизлар оммавий спорт турлари билан шуғулланишлори учун янги-янги имкониятлар очишаяпти. Маҳаллалар биринчилиги учун футбол мусобақалари аллақачон анъанавий тус олган. Қишлоқ фуқаролар йиғини раиси тасдиқлаган мусобақа низомига оғишмай риоя қилинади. Ёш спортчиларга кийим-кечак, тўплар, бошқа ашёлар бадастир қилиб берилмоқда.

– Биз ёшларга умид билан қарамоқдамиз, улар ҳам шунга муносиб бўлиб ўсишяпти, – дейди оқсоқол.

### ФАЙЗЛИ ОҚШОМЛАР

Қишлоқ санъаткорларининг концертларида бўлмабсиз, Хононодни ўзингиз учун кашф қилмабсиз. Байрам йўқки, қишлоқнинг ўз ҳаваскор қўшиқчилари, раққосалари унга файз киритишмасин. Қишлоқ фуқаролар йиғинида биз бир ахборот билан тонишдик. Хонободнинг бугунги маданий даражасини, хонободликларнинг санъатга ошуфтадил эканликларини аниқ тасаввур этишингиз учун уни тўлиқ келтиришни лозим топдик:

**МАЪЛУМОТНОМАДАН: «Хонободнинг байрам дастури: қишлоғимиз аҳолиси 1 сентябрь – Мустақиллик куни эрта саҳардан бошлаб туман марказидаги сайлгоҳга етиб боради. Сайлга «Хонабод» гуруҳи, «Кампирлар» фолклор ансамбли, қозоқ ансамбли, татар ансамбли, рақс дастаси, «Беҳзод» болалар гуруҳи жами 5 соатлик байрам дастурини тайёрлаяпти».**

Бу ахборотнома ортиқча изоҳга мухтож эмас. Қишлоқ фуқаролар йиғини аҳоли ўртасида олиб бориладиган маданий, маънавий-маърифий тарбиянинг кўламли дастурини амалга оширмоқда. Санъат оқшомлари, ижодкорлар, фан ва маданият арбоблари билан учрашувлар, турли мавзулардаги савол-жавоб кечалари қишлоқнинг оддий анъаналаридир.

Хонободликлар сайру саёҳатни канда қилишмайди. Маҳалла-маҳалла бўлиб Тошкентга тушишади, Темурийлар давлат музейи, Хотира ва Қадрлаш майдони каттаю ёш учун маънавий камолот собоқхоналари бўлиб қолди. Ҳомийлар ва депутатлар кўмагида Исмаил Бухорий, ал-Фарғоний, Баҳоуддин Нақшбандий ёдгорликларига зиёрат ташкил этилди.

Шу ўринда муҳим бир жиҳатни алоҳида таъкидламаслик мумкин эмас. Тарбия ишида, ёш авлоднинг маънавий камолотида оналарнинг ўрни беқиёс. Шуни ҳисобга олиб, қишлоқ фуқаролар йиғини маҳаллалардаги хотин-қизлар қўмиталари фаоллигини кучайтирмоқда, ҳар бир ишда уларга таянмоқда. Қишлоқ хотин-қизларининг етакчилари орасида катта турмуш тажрибасига эга бўлган жонкуяр ташкилотчию тарбиячилар кўп: Хурсаной Нурмуҳамедова, Хурсаной Юнусова, Тоштилла Жўраева, Нодира Маннопова, Хайриниса Машрапова, Гулбаҳор Бўриева... Ҳеч бир йиғин, байрам уларнинг маслаҳатисиз ўтмайди. Бу дилкаш, чуқур мулоҳазали фаоллар оилаларда тотувлик, хонадонларда файз-барака барқарор бўлиши учун кеча-кундуз ишлашга тайёр кишилардир. Одамлар уларга дардлари ва қувончларини ишонишади, уларнинг ўринли фикр-мулоҳазаларини инобатга олишади.

**ҲИСОБОТДАН: «Республика «Маънавият ва маърифат» кенгашининг бўлим мудири Турсуной Содиқова билан учрашув мароқли ўтди. Туман ҳокимининг ўринбосари Д. Тошмедова, халқ демократик партияси туман кенгашининг раисаси Х. Рустамова ва бошқалар иштирокида маҳаллаларда ўтказилган давра суҳбатлари қишлоқ аҳолиси маънавий камолотида алоҳида ўрин тутмоқда».**

Хонободда телевизор бўлмаган хонадон йўқ. Лекин каттаю кичик яхши китобга ошуфта.

– Қишлоғимиздаги иккита кутубхонани маданият, маънавий-маърифий тарбиянинг чинакам марказига айлантирдик, – дейди Илҳом Жўраев. – Улар жами 17 мингдан ортиқ китобга эга. Президент асарлари кўргазмаси ташкил этилди. Ўтган йили фақат «Қорасув» кутубхонаси 30 номдаги янги асарларни олди.

...Боғларда ўриклар оппоқ гуллади. Йўл бўйларида олча, гилос, олмалар куртаклаб, ғунча очаяпти. Наврўз яқинлашмоқда. Унга Хонободда алоҳида тараддуд. Қишлоқ ҳудудини айлансангиз, бунга ўзингиз ҳам ишонч ҳосил қиласиз. Наврўз арафасида фойдаланишга топшириладиган ўндан зиёд янги маданий-маиший, савдо иншоотлари эса қишлоқ кўркига кўрк бўлмоқда.

*...Ўлкамизда истиқлолнинг ўнинчи баҳори кезмоқда. У бизни изланишга, янгича тафаккур, янгича дунёқараш билан яшашга, яратишга ундамоқда. Аслида биз юқорида Хонобод қишлоғи ҳақида ҳикоя қилганларимиз бу ерда амалга оширилаётган катта ва кенг кўламли ишлар, ислоҳотлар жараёнининг бир бўлаги холос. Уларнинг ҳаммасини кўрмоқчи, танишмоқчи бўлсангиз, яхшиси бир келинг. Зеро, хонободликлар ҳамиша янги режалар, ўй-фикрлар билан олдинга бормоқдалар. Уларни бу йўлдан ташаббускор, тадбиркор, ўзлари ишониб сайлаган оқсоқоллари Илҳом Жўраев бошлаб бормоқда.*

***Жўра САЪДУЛЛАЕВ.***

# Dushanba 12

**«Ўзбекистон» телеканали**

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.45 «Таҳлилнома».
*
8.45, 17.55 ТВ-маркет.
8.50 «Ўзбектелефильм» намойиши: «Номаълум Қизилқум».
9.15 «Рақслар гулдастаси».
9.35, 11.35 ТВ-метео.
9.40 «Шинаванда бола».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар
10.05 ТВ-1 кинотеатри: «Санников ери». Бадиий фильм.
11.40 Дони Зокиров номидаги халқ чолғулари оркестрининг концерти.
12.05 «Олам футболи».
12.35 «Олтин тож». Телевизион ўйин.
13.00 2001 йил - оналар ва болалар йили. «Меҳр нури ёғар доим». Мусиқий дастур.
13.25 «Олам». Телеальманах.
14.10 ТВ-1 намойиш этади.
14.25 «Аския».
14.45 Кундузги сеанс. «Уч плюс икки». Бадиий фильм.
16.10 «Қабул соати».
16.40 Болалар учун. «Кўзмунчоқ».
17.00 **Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 10 йиллигига**. «Биз билган, билмаган тарих».
17.30 Экранда - телесериал. «Индаба».
18.10 «Офарин» кўрик-танлови олдидан.
18.30 «Тафсилот».
18.45 ТВ-клип.
18.50 «Бахтли воқеа». Телелотерея.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 21.55 Эълонлар
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 «Биржа ва банк хабарлари».
20.30 «Ахборот».
21.05 «Қалбингиз қўшиққа тўлсин». Мусиқий дастур.
21.35 «Чемпион билан учрашув». Спорт дастури.
22.00 Ойнаи жаҳон тақдимоти: «Филипп Марлоу». Телесериал премьераси. 6-қисм.
22.50 «Маънавият» дастури.
23.30 «Ахборот».
00.05 Тунги сеанс: «Беайб». Бадиий фильм.
1.30-1.35 Ватан тимсоллари.

**«Ёшлар» телеканали**

**ТЕЛЕТОМОШАБИНЛАР ДИҚҚАТИГА!**

**Профилактика муносабати билан душанба, 12 март «ЁШЛАР» телеканали соат 17.25 да бошланади.**

17.25 Кўрсатувлар дастури.
17.30 «Спорт ҳафтаномаси».
17.45 «Янги авлод» почтаси».
18.05 «Камолот». Ҳаваскорлар телетанлови.
18.25 «Ўзбегим кураши».
18.45 «Оқшом наволари».
18.55, 21.55 «Иқлим».
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 ТВ-анонс ва Эколаш.
19.35 «Қишлоқдаги тенгдошим».
19.55 XX аср ўзбек шеърияти: Абдулла Орипов.
20.00 «Бўёқлар рақси». Видеофильм.
20.20, 20.55, 22.30 Эълонлар
20.25 «Сардор». Кўп қисмли телевизион бадиий фильм. 1-қисм.
21.00 «Ёшлар овози».
21.20 Мусиқий лаҳзалар.
21.25 «Бир пиёла чой устида».
21.45 «Олтин мерос».
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.30 Тунги тароналар ва Эколаш.
22.35 «Даллас». Телесериал.
23.20 «Давр». Ахборот дастури.
23.35 «Ёшлар» телеканалида спорт: Футбол. Ҳафтанинг энг яхши ўйини.
1.05-1.10 «Хайрли тун».

**«Тошкент» телеканали**

18.00 Кўрсатувлар тартиби.
18.05 Мультфильм.
18.15 «Сен ҳақингда ва сен учун».
18.30, 20.00, 21.30, 23.05 «Пойтахт». Ахборот дастури.
18.55 ТТВда сериал: «Санта-Барбара».
19.35 «Эҳтиром ила».
20.25 «Табриклаймиз-қутлаймиз».
21.10, 22.10 «Экспресс» телегазетаси.
21.55 «Авто-news».
22.30 ТТВда сериал: «Селеста».
23.30 Оҳанглар ва эълонлар.
23.35 Кинонигоҳ. «Тақдир измидаги ўқ».
00.45-00.50 «Хайрли тун, шаҳрим!»

**«Халқаро» телеканал**

РЖТ 7.00-9.00
15.00-16.00 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
*
16.00 Кўрсатувлар тартиби.
16.05 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)
16.15 «Мультчархпалак».
16.30 «Вести».
17.00 «Экспедиция». Сериал.
17.50 «Контакт».
18.05 «Бугун оламда». Ахборот кўрсатуви.
18.15 «Ўз-ўзига режиссёр».
*
18.45 «Мени кутгил».
19.40 «Ким миллионер бўлишни истайди?» Телеўйин.
20.45 «Хайрли тун, кичкинтойлар!»
21.00 «Время».
*
21.50 «Бизнес-ревю».
22.15 «ТВ-4 да Немис тўлқини».
22.35 «Клип-антракт».
22.45 Кинематограф. «Тубсизлик». Бадиий фильм. 1-қисм.
23.55 «Ахборот» (рус тилида)
00.20 «Тунингиз осуда бўлсин».

# Seshanba 13

**«Ўзбекистон» телеканали**

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
*
8.35, 17.05 ТВ-маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
8.55 «Янграсин шўх яллалар». Мусиқий дастур.
9.15, 12.50 ТВ-метео.
9.20 «Инжиқ малика». Мультфильм.
9.30 «Менга сўз беринг!»
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар
10.05 «Ўзбекистон фуқароси».
10.25 «Шаҳарликлар». Бадиий фильм.
11.50, 13.55 ТВ-анонс.
12.05 «Ой чиқмаган оқшом». Телевизион театр. 1-қисм.
12.55 «Қишлоқ ҳақида ўйлар».
13.15 Эстрада тароналари.
13.35 «Оламга саёҳат». Кинокўрсатув.
14.10 «Миллий манфаат».
14.45 «Бешбармоқ». Тележурнал.
15.05 «Маънавият» дастури.
15.45 «Ўзбектелефильм» намойиши: «Алоқа кеча». Премьера.
16.00 «Ватанимга хизмат қиламан».
17.00 «Оху». Мультфильм.
17.10 «Наврўз нафаси». Мусиқий дастур.
17.20 «Таълим-тарбия миллий дастури амалда».
17.30 Футбол бўйича Ўзбекистон X чемпионати. «Пахтакор» - «Насаф». «Пахтакор» марказий стадионидан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида - Янгиликлар.
19.15 «Фермер». Тележурнал.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (Инглиз тилида)
20.30 «Ахборот».
21.05 Навоийхонлик.
21.20 «Сиёсат ва одамлар».
21.35 «Ватан мадҳи». Мусиқий дастур.
22.00 «Келин - куёв». Телешоу.
23.10 «Ахборот».
23.45 Тунги сеанс: «Ғалати аёл». Бадиий фильм. 1-қисм.
1.05-1.10 Ватан тимсоллари.

**«Ёшлар» телеканали**

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Давр». Ахборот дастури.
9.15 «Янги авлод» почтаси.
9.35 «2000 йилдан сўнг». Телесериал.
9.55 «Саломат бўлинг».
10.15 «Мусиқий лаҳзалар».
10.20 «Кинотақдим».
10.40 «Даллас». Телесериал.
11.25 «Ёшлар овози».
11.45 «Ёшлар» телеканалида спорт: Футбол. Ҳафтанинг энг яхши ўйини.
13.15 «Сардор». Кўп қисмли телевизион бадиий фильм. 1-қисм.
13.45 «Бўёқлар рақси». Видеофильм.
14.05 «Кусто командасининг сувости саргузаштлари». Телесериал. 71-қисм.
14.55 «Икки эшик ораси».
15.15 «Ёшлар» телеканалида спорт: Теннис.
16.00 «Синфдош».
16.20 «Жаҳон жуғрофияси»: «Асл табиат посбонлари».
17.10 Кўрсатувлар дастури.
17.15 «Янги авлод» студияси: «Кичкинтой театри», «Билағон маслаҳати».
17.45 «Таянч».
18.00 Танишинг: Шуҳрат Бекмуродов.
18.10 Наврўзи олам.
18.30 «Авторейд».
18.45 «Оқшом наволари».
18.55, 21.55 «Иқлим».
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 ТВ-анонс ва Эколаш.
19.35 «Давр» - интервью».
19.50 Муҳаббат қўшиқлари.
20.00 «Ғазал соғинчи». Алишер Навоийнинг 560 йиллигига бағишланади.
20.20 «Марду майдон».
20.40, 21.25, 22.30 Эълонлар
20.45 «Сардор». Кўп қисмли телевизион бадиий фильм. 2-қисм.
21.30 «Ёшлар овози».
21.50 «Олтин мерос».
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.30 Тунги тароналар ва Эколаш.
22.35 «Даллас». Телесериал.
23.20 «Давр». Ахборот дастури.
23.35 «Ёшлар» телеканалида спорт: Снукер бўйича жаҳон чемпионати.
0.20-0.25 «Хайрли тун».

**«Тошкент» телеканали**

18.00 Кўрсатувлар тартиби.
18.05 Мультфильм.
18.15 «Дурдона».
18.30, 20.00, 21.30, 23.15 «Пойтахт». Ахборот дастури.
18.55 ТТВда сериал: «Санта-Барбара».
19.35 «Эҳтиром ила».
20.25 «Табриклаймиз-қутлаймиз».
21.10, 22.20 «Экспресс» телегазетаси.
21.55 «Биз ва келажак авлод».
22.40 ТТВда сериал: «Селеста».
23.40 Оҳанглар ва эълонлар.
23.45 Кинонигоҳ. «Гап бор».
1.25-1.30 «Хайрли тун, шаҳрим!»

**«Халқаро» телеканал**

РЖТ 7.00-9.00
15.00-16.00 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
*
16.00 Кўрсатувлар тартиби.
16.05 «Мультчархпалак».
16.25 «Клип-антракт».
16.30 «Вести».
17.00 «Экспедиция». Сериал.
17.50 «Хива». Телефильм.
18.00 «Бугун оламда». Ахборот кўрсатуви.
18.10 «Клип-антракт».
*
18.15 «Кусто командасининг барча саёҳатлари». Сериал.
*
18.45 «Икки рояль».
19.30 «Жонли сайёра».
*
19.40 «Зардор куч-2».
20.45 «Хайрли тун, кичкинтойлар!»
21.00 «Время».
*
21.50 «Бизнес-ревю».
21.55 «Х-спорт».
22.05 Россия эстрадаси юлдузлари иштирокидаги концерт.
23.05 Кинематограф. «Тубсизлик». Бадиий фильм. 2-қисм.
00.15 «Ахборот» (рус тилида)
00.40 «Тунингиз осуда бўлсин».

# Chorshanba 14

**«Ўзбекистон» телеканали**

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00—8.35 «Ахборот».
*
8.35, 17.55 ТВ-маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
8.55 «Ўзбектелефильм» намойиши: «Хива гилами».
9.05 «Бастакор илҳоми». Мусиқий тележурнал.
9.25, 12.50 ТВ-метео.
9.30 «Жавоҳирлар хазинаси». Адабий кўрсатув.
9.50 «Тиббиёт одимлари».
10.00, 12.00, 14.00 , 18.00 Янгиликлар
10.05 Алифбо сабоқлари.
10.25 ТВ-1 кинотеатри. «Ажойиб хаёлпараст». Бадиий фильм.
11.40 «Муҳаббат соғинчи». Мусиқий дастур.
12.05 «Ой чиқмаган оқшом». Телевизион театр. 2-қисм.
12.55 «Камолот сари».
13.15 Ўзбекистон Республикаси чегара қўшинлари ашула ва рақс ансамблининг концерти.
13.50, 16.45 ТВ-анонс.
14.10 «Сеҳрли сандиқ». Мультфильм.
14.20 «Остонаси тиллодан».
14.45 ТВ-клип.
14.50 Кундузги сеанс: «Чақирилмаган меҳмонлар». Бадиий фильм.
16.10 «Болаларга бахшида умр».
16.30 «Ўзбектелефильм» намойиши: «Келажакка интилиб». Премьера.
16.50 «Қувноқ стартлар». Телемусобақа.
17.25 ТВ-интернет. '
17.30 Экранда - телесериал. «Индаба».
18.10 «Иқтисод ва биз».
18.20 «Аёл — дунёни тебратар». Бадиий - публицистик кўрсатув.
18.35 «Наво таралсин». Мусиқий дастур.
18.45 «Касаба уюшмалари спорти».
19.05 «Инсон ва қонун».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 21.35 Эълонлар
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 «Юзма-юз».
20.30 «Ахборот».
21.05 Санъат усталарининг концерти.
21.40 «Шарқдан нур». Бадиий-публицистик кўрсатув.
22.00 «Миллионлар ўйини». Спорт дастури.

**«Тунги ҳамроҳ»:**

22.20 «Сени шарафлайман, Озодлик!»
22.30 «Замонамизнинг ёш қаҳрамонлари».
22.40 «Номинг тилларда достон».
22.50 «Олам». Телеальманах.
23.25 «Ахборот».
24.00 Тунги сеанс. «Ғалати аёл». Бадиий фильм. 2-қисм.
1.05—1.10 Ватан тимсоллари.

**«Ёшлар» телеканали**

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Давр». Ахборот дастури.
9.15 «Янги авлод» студияси: «Кичкинтой театри», «Билағон маслаҳати».
9.45 «2000 йилдан сўнг». Телесериал.
10.05 «Манзур».
10.25 Мусиқий лаҳзалар.
10.35 «Давр»-интервью.
10.50 Олтин мерос.
10.55 Ёшлар ва маънавият.
11.10 «Даллас». Телесериал.
11.55 «Ёшлар овози».
12.15 Болалар экрани. «Еттинчи жин».
13.15 «Камолот». Ҳаваскорлар телетанлови.
13.35 «Автосалтанат».
13.50 «Сардор». Кўп қисмли телевизион бадиий фильм. 2-қисм.
14.30 «Таянч».
14.45 «Эҳтимол улар ақлдан озишгандир». Телесериал.
15.10 «Авторейд».
15.25 Ёшлик наволари.
15.40 «Ойдан тушган малика». Бадиий фильм. 1-қисм.
* * *
16.40 Кўрсатувлар дастури.
16.45 «Янги авлод» студияси: «Қувноқ учрашув».
17.05 Ёшлар куйлайди.
17.15 «Учинчи сайёра» маърифий дастури: «Янги кашфиётлар».
18.05 «Олис сафарлар иштиёқида». Мальта.
18.25 «Сийрат». «Офарин» мукофоти номзодлари.
18.45 «Оқшом наволари».
18.55, 21.55 «Иқлим».
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 ТВ-анонс ва Эколаш.
19.35 Ракурс.
19.55, 20.40, 22.30 Эълонлар
20.00 «Спорт-лото».
20.10 «Очил дастурхон».
20.25 «Ниҳол» мукофоти совриндорлари куйлайди.
20.45 «Сардор». Кўп қисмли телевизион бадиий фильм. 3-қисм.
21.20 «Бунёдкорлик. Эрта бугундан бошланади». Видеофильм.
21.50 «Олтин мерос».
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.30 «Каталог».
22.40 Тунги тароналар ва Эколаш.
22.45 «Даллас». Телесериал.
23.30 «Давр». Ахборот дастури.
23.45 «Ёшлар» телеканалида спорт: Футбол. Чемпионлар лигаси.
1.15—1.20 «Хайрли тун».

**«Ташкент» телеканали**

18.00 Кўрсатувлар тартиби.
18.05 «ТВ-плюс».
18.30, 20.00, 21.30, 23.05 «Пойтахт». Ахборот дастури.
18.55 ТТВда сериал: «Санта-Барбара».
19.35 «Эҳтиром ила».
20.25 «Табриклаймиз-қутлаймиз».
21.10, 22.15 «Экспресс» телегазетаси.
21.55 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
22.35 ТТВда сериал: «Селеста».
23.30 Оҳанглар ва эълонлар.
23.35 Кинонигоҳ. «Кутилмаган меҳмон».
00.50-00.55 «Хайрли тун, шаҳрим!»

**«Халқаро» телеканал**

РЖТ 7.00-9.00
15.00—16.00 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
*
16.00 Кўрсатувлар тартиби.
16.05 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)
16.15 «Мультчархпалак».
16.30 «Вести».
17.00 «Экспедиция». Сериал.
17.50 «Саё4атлар олами».
18.05 «Бугун оламда». Ахборот кўрсатуви.
*
18.15 «Кусто командасининг барча саёҳатлари». Сериал.
*
18.50 «Клип-антракт».
*
19.00 «Инсон ва қонун».
19.40 «Ким миллионер бўлишни истайди?» Телеўйин.
20.45 «Хайрли тун, кичкинтойлар!»
21.00 «Время».
*
21.50 «Бизнес-ревю».
22.15 «СНН-шоу».
22.30 «Махфий ҳужжатлар» (X-fails)
23.15 Кинематограф. «Тақдир эшиги». Бадиий фильм.
00.25 «Ахборот» (рус тилида)
00.50 «Тунингиз осуда бўлсин».

# Payshanba 15

**«Ўзбекистон» телеканали**

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00—8.35 «Ахборот».
*
8.35, 17.55 ТВ-маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
8.55 «Опера санъати: изланишлар йўлида». Мусиқий дастур.
9.15 «Миллионлар ўйини». Спорт дастури.
9.35, 12.25 ТВ-метео.
9.40 «Озод юрт одамлари». Бадиий-публицистик кўрсатув.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 «Талаб ва таклиф».
10.20 ТВ-1 кинотеатри: «Эдгар ва Кристина». Бадиий фильм.
11.45 «Шарқ табобати».
12.05 «Ватанпарвар».
12.30 «Шоҳ Султон ҳақида эртак». Мультфильм.
13.25 «Баҳор тароналари». Мусиқий дастур.
13.55, 16.45 ТВ-анонс.
14.10 «Олам». Телеальманах.
14.45 «Бинокор».
15.00 Болалар учун. «Нурли келажак».
15.20 Кундузги сеанс: «Хўп бўлади, хўжайин». Бадиий фильм. 1-қисм.
16.50 «Куйлардан қўшиқларга».
17.20 «Ўзбектелефильм» намойиши: «Зиё маскани». Премьера.
17.30 «Харита». Халқаро шарҳ.
17.45 «Шеър ва шуур».
18.10 «Фарзанд — умид юлдузи».
18.25 «Юки ерда қолмас элимнинг».
18.40 «Мусиқий альбом».
18.45 «Ҳуқуқий жамият сари».
19.00 «Ҳидоят сари».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 22.55 Эълонлар
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)
20.30 «Ахборот».
21.05 «Миллий манфаат».
21.40 «Мусиқа: кеча ва бугун».
22.10 «Кураш - миллий ифтихоримиз». Спорт дастури.
22.30 «Қиёфа».
23.00 «Ахборот».
23.35 «Кўҳна тоғлар қиссаси». Бадиий фильм.
00.45—00.50 Ватан тимсоллари.

**«Ёшлар» телеканали**

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Давр». Ахборот дастури.
9.15 «Янги авлод» студияси : «Қувноқ учрашув».
9.35 «2000 йилдан сўнг». Телесериал.
9.55 «Олис сафарлар иштиёқида». Мальта.
10.15 «Сийрат».
10.35 «Ниҳол» мукофоти совриндорлари куйлайди.
10.55 «Даллас». Телесериал.
11.40 Нурмуҳаммад Мирзааҳмедов куйлайди.
11.55 «Ёшлар» ►

# КЎЗ ОЧИБ КЎРГАНИМ

*Йиллар ардоғи*

**Жамоада ёшлар кўпчиликни ташкил этарди. Аксарият ходимлар зиммасида қандай масъулият борлигини яхши англарди. Шундай бўлса ҳам ўзаро талабчанликни унутмасдик. Бир ойдами, икки ойдами норасмий тўпланишиб, ўтган давр мобайнида ким қандай китоб ўқиганлигини астойдил суриштирардик.**

– Нимаси бор буни, машқ қилсангиз сиз ҳам уддалайсиз, бу ишни, – деди у.

– Бундай қиламиз, – деди Марям опа, – менда бироз вақт бўлди дегунча сени чақираман. Қўлингга қандай русча газета тушса ўшандаги мураккаброқ мақолани ўзбекчага ағдариб айтиб турасан, мен ёзавераман, қийин сўз ва ибораларни биргаликда тилимиздагисини топамиз.

Шундай қилиб десангиз, бу ишга астойдил киришиб кетдим. Озгина ютуғимни ҳам опамиз мақтаб, кўнглимни кўтариб қўйишни канда қилмасди. Билмадим, орадан қанча вақт ўтди. Мен ҳам бир соатда ўн қоғозлик мақолани таржима қила оладиган бўлдим. Бунинг учун ўша меҳнаткаш, ўз ишининг билимдони Марям опадан умрбод миннатдорман.

Бошқа ижодий жамоаларда бўлганидек, бизда ҳам баъзан қизиқ воқеалар бўлиб турарди. Яхши эсимда. Ўша йили ёз чилласи тоза авжига олди. Баъзи туманлардаги ғўзалар ҳолсизлана бошлади. Шунда мутахассислар суғоришни кеча-кундуз тўхтатмай давом эттиришни тавсия қилдилар. «Сувчи – ғўзани яшнатувчи» шиори ташланди. Адабиёт бўлимимизнинг мудири шоир Назармат ака хўжаликлардан бирида маҳорат билан ишлаётган сувчи ҳақида очерк ёзиб келди. У газетада чоп этилди. Орадан қанча вақт ўтди билмадим, ўша хўжалик раҳбари Тошкентга келган экан, таҳририятга ҳам кирди. Очерк учун раҳмат деди, лекин яна нимадир айтмоқчи бўлди-ю, ийманиб турди. Қистовимиз билан дилини ёзди. Буни қарангки, Назармат ака борган пайтда ўша сувчининг устози кечаси билан ишлагани учун уйига – дам олгани кетган экан. Ҳозир сув тараётган киши бу касбнинг ўзига хос томонлари борлигини таъкидлаб, уларни устози ўргатганлигини айтган.

Масаланинг бу ёғи қалам аҳли учун чикора. Муаллиф очеркда устоз ўз шогирдига қандай қилиб иш ўргатганлиги, нималар деганини роса маромига келтириб тасвирлаган. Хўжалик раҳбарининг сўзидан кейингина маълум бўладики, ўша устоз сувчи аслида соқов бўлиб, гапира олмас экан. Муаллиф эса уни булбул қилиб сайратган. Ўша пайтдаги ҳолатимизни кўз олдингизга келтиришингиз мумкин.

Шунга ўхшаш яна бир мисол. Бир илмий ходимнинг мақоласи расми билан газетада эълон қилинади. Эртасига ўша кишининг онаси, хотини, яна икки қариндоши редакцияга кириб келишади. «Биз газетага миннатдорчилик билдиргани келдик», дейишади улар. Аввалига ҳеч нарсага тушунмай, ҳайрон бўлдик. Сўнг уларнинг сўзларидан масала ойдинлашди. Мақола муаллифи тўсатдан вафот этибди, бугун унинг еттисини ўтказишибди. Шу кунга атаб, марҳумни эслаб, мақоласи ва расмини чоп этганимиз учун ҳақиқатан ҳам бизга миннатдорчилик билдиргани келишган экан. Бу ишни улар атайлаб, аниқ мақсадни кўзлаб қилинган деб тушунишибди. Бу сафарги ҳолатимизни ҳам ҳис этиб турган бўлсангиз керак. Гап шундаки, мақола ҳам, расм ҳам, чамаси бир ой аввал тайёрланган, имконият бўлмагани учун туриб қолган...

Зиёд ака ишга ўта куйинчак эди. Шундан бўлса керак баъзан йиғилишларда бироз қизишиб кетиб, айрим ходимларга нисбатан меъёридан андек ортиқроқ гап айтиб қўйиш ҳоллари ҳам бўларди. Хушёр одам эмасми, кўп ўтмай буни ўзи ҳам сезиб қоларди. Орадан икки-уч соат ўтгач, ўша ходимнинг хонасига кириб келарди. Стул олиб ёнига ўтирарди, ҳол-аҳвол сўрарди, тайёр қандай мақолалари борлигини сўрарди. Борди-ю чоп этмоқ учун ҳеч нарсаси бўлмаса, «истаган жойингга хизмат сафарига юбораман, кўнглинг қаерни тусайди, бир шамоллаб келасан. Идорада ўтираверса киши диққанафас бўлиб кетади» дерди. Шу пайт бирдан сигаретингдан ол, деб қоларди. Аслида у чекиш у ёқда турсин, папирос тутунини ҳам ёқтирмасди. Қандайдир ўртадаги расмиятчиликни бутунлай кўтариб ташлаш мақсадида шундай йўл тутарди, билишимча. Қандай янги мавзулар ҳақида ўйлаётганлигини суриштирарди, эшитиб бўлгач, жуда яхши, тайёр бўлиши билан келгуси сонга қўямиз, дерди-да ходимнинг елкасини эркалагандек кафти билан силаб қўярди. Қарабсизки аввал айтилган танқидий гаплардан бирортасининг юракда оғриқли изи қолмасди. „Зар қадрини заргар билади, деб шунга айтсалар керак. Бамисоли меҳрибон отадек ходимлар кайфиятини авайларди. У кишилар билан муомаланинг ўзи бир нозик санъат эканлигига доимо амал қиларди. Шу боисдан ҳамма кўтаринки руҳда ишларди.

Зиёд ака ҳам, Мақсуд ака ҳам ходимларнинг ижодий ўсишларига ҳамиша катта эътибор беришарди. Ҳар бир ташаббус, албатта, қўллаб-қувватланар ва рағбатлантириларди.

Бир куни хонамизга Зиёд ака баланд бўйли, басавлат киши билан кириб келди. Кейин билсам Ўзбекистон Давлат нашриётининг директори Файзулла Юнусов экан.

– Мана шу йигит, сиз истаган мавзунинг пири, – деди у.

Гап нима ҳақида эканлигидан хабарсиз бўлганлигим ҳамда мени «мавзунинг пири» деганидан хижолат чекиб, мўлтиллаб қараб туравердим.

– Масала бундай, ука, – деди Файзулла ака, – шу йилнинг кузида Ўзбекистон металлургия заводимизда биринчи бор пўлат эритилган кунга 25 йил тўлади. Корхона бутун республикамизнинг фахри, бу санани катта тантана билан нишонлаш тараддуди бошланди. Нашриётимиз бир китоб чиқариши керак.

– Мен ҳали китоб ёзган эмасман, қандай бўларкин...

– Қўлингдан келади, – далда берди Зиёд ака. – Мен завод директори Иброҳим Муҳамедовга телефон қилиб, тайинлайман, ҳамма шароитни яратиб беради. Неча кун зарур бўлса, ҳаммасига жавоб, сафар харажатларини тўлаймиз.

Бошим қотди, уч-тўртта очерким чиққан ё чиқмаган шу пайтгача. Хуллас, Бекободга жўнаб кетдим. Январь ойи эди. Қиш чилласининг авжи. Мартен печлари олов пуркайди, иссиқдан терга ботамиз. Шу ҳолатда ташқарига чиқамиз. Шу ерликлар кўникиб кетган. Мен шўрлик зиёли икки томонлама зотилжам касалига дучор бўлдим. Шу десангиз, бир ойдан зиёдроқ касалхонада ётдим. Дард оғир кечди. Зиёд ака бориб турар, муолажа қандай кетаяпти, самараси қандай бўляпти, дорилар етарлими – барча-барчасини суриштирарди. Ҳатто, бош врачни бошлаб кириб, мени икки кишилик хонага ўтказди.

Соғайиб ишга чиққан куним муҳарриримизга учрашдим.

– Бетоб бўлиб, ишинг чўзилиб кетди, – деди у. – Энди гап бундай, бугундан бошлаб ишдасан, лекин ижод уйда давом этади, то ўша китобинг битмагунча, сенга жавоб.

Шундай қилиб десангиз, уйда Файзулла акага ваъда қилинган олти табоқли рисолани ёзиб тамомлагач, ишга чиқдим. Ўша йили – 1959 йилда китоб босмадан чиқди. Мендек ёш ижодкор учун бу воқеа чинакам байрам эди.

Ойлар кетидан йиллар бир бирини қувиб ўтаверди. 1965 йилнинг февраль ойида мени Сирдарё вилояти газетасига бош муҳаррир этиб тайинлашди. Ҳали-ҳали ёдимда. Газетамизнинг эндиликдаги муҳаррири Аҳмад ака Исмоилов бошлиқ жамоа «Тошкент» ресторанининг кичик залида кузатув кечаси ташкил этди. Ёмонимни яшириб, яхшимни ошириб, гаплар айтишди. Кўз ёшлар билан хайрлашдик.

Шундай қилиб «Сирдарё ҳақиқати» вилоят газетасидаги фаолиятим бошланди. Бу энди алоҳида мавзу.

(Охири. Боши ўтган сонларда).

***Исмоил СУЛАЙМОНОВ.***



*60-йилларда таҳририятда тасвирга туширилган ушбу суратда мақола муаллифи (чапдан) ҳамкасблари Маҳмуд Яхёев, Соат Мусаев ва Рафиқ Турсуновлар билан.*

***Тошкент вилояти «Дори-дармон» Давлат-акциядорлик бирлашмасининг 2000 йил якунлари бўйича йиллик ҳисобот мажлиси 2001 йил 17 апрель куни соат 10.00да бирлашманинг мажлислар залида ўтказилади.***

**КУН ТАРТИБИ:**

**1. 2000 йил якуни бўйича Бошқарув раисининг ҳисоботи.**
**2. Бирлашма Тафтиш комиссиясининг ҳисоботи.**
**3. Бирлашма фойдасининг тақсимланиши.**
**4. Бирлашма фаолиятига тааллуқли турли масалалар.**

**КУЗАТУВ КЕНГАШИ.**

## ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ «ДОРИ-ДАРМОН» ДАВЛАТ-АКЦИЯДОРЛИК БИРЛАШМАСИНИНГ 2000 ЙИЛ УЧУН БАЛАНСИ

***(минг сўмда)***

| **АКТИВ** | | | **ПАССИВ** | | |
|---|---|---|---|---|---|
| *№* | *Счётлар номи* | *Қиймати* | *№* | *Счётлар номи* | *Қиймати* |
| 1 | Асосий воситалар | 39601,1 | 1 | Низом жамғармаси | 11742,0 |
| 2 | Ишлаб чиқариш заҳиралари | 15127,7 | 2 | Эҳтиёт жамғармаси | 88127,8 |
| 3 | Олиб сотиладиган товарлар | 654679,5 | 3 | Тақсимланган фойда | 21328,7 |
| 4 | Харидор ва буюртмачилар билан ҳисоблашишлар | 145453,5 | 4 | Мақсадли тушумлар учун | 128,6 |
| 5 | Бюджет билан ҳисоблашишлар | 6661,5 | 5 | Келгуси давр тўловлари учун жамғарма | 1209,6 |
| 6 | Пул маблағлари | 29276,2 | 6 | Келгуси давр даромадлари | 32639,1 |
| 7 | Келгуси давр харажатлари | 768,6 | 7 | Харидорлардан олинган авансрлар | 46704,0 |
| 8 | Уюшма корхоналар акциялари | 152,3 | 8 | Қисқа муддатли кредитлар | 369965,3 |
| 9 | Бошқа дебиторлар | 17805,2 | 9 | Мол етказиб берувчиларга қарзлар | 215025,7 |
| 10 | Шўъба корхоналар билан ҳисоблашишлар | 274332,8 | 10 | Шўъба корхоналарига қарзлар | 382717,4 |
| | | | 11 | Бошқа кредиторлар | 14270,2 |
| **Жами:** | | **1183854,4** | | | **1183858,4** |

*Болқон тугуни*

# САБР КОСАСИДАГИ СЎНГГИ ТОМЧИ

**Косовонинг серб ўлкаси билан чегара ҳудудида деярли икки ҳафтадан бери Македония армиясининг албан жангарилари билан давом этиб келаётган тўқнашувлари ниҳоят халқаро ташкилотлар ҳамда Косово ва Македонияда жойлаштирилган тинчликпарвар кучлар диққатини ўзига қаратди.**

Ўтган якшанба куни Танушевци номли чегараолди қишлоғи ёнида уч македониялик ҳарбий хизматчининг ҳалок бўлиши сабр косасини тўлдирган сўнгги томчи бўлди. Икки жангчи танкка қарши минанинг портлаши натижасида, яна бири эса албан снайперининг ўқидан ҳалок бўлишди. Қутқарувчилар икки соат мобайнида жабрланганларни хавфли жойдан олиб чиқолмай қийналдилар.

Хабар қилинишича, Танушевци қишлоғи ўзини Миллий озодлик армияси деб атовчи албан тарафкашлари томонидан қирқ кундан бери назорат қилиб келинмоқда. Улар Македониянинг аксарият албанлар яшовчи шимолий-ғарбий қисмини ажратиб олишга даъват этмоқдалар. Республика раҳбарияти тинчликпарвар кучларни Косоводан кириб келаётган албан жангарилари йўлини тўсиш борасида ҳеч бир иш қилмаётганликда неча бор айблаган эди. Зеро, мазкур серб ўлкасининг жанубий ҳудудлари Америка ҳарбий кучлари назорати остида бўлишига қарамай шу ҳудудлардан жангарилар ўтиб келишига барҳам берилмаяпти.

Косово ва унга чегарадош ҳудудлардаги вазият жаҳон ҳамжамиятидан самарали чоралар кўрилишини талаб қилаётгани қайта-қайта таъкидланмоқда. Акс ҳолда икки миллион аҳолисининг учдан бир қисмидан зиёдроғини маҳаллий албанлар ташкил этувчи мўъжазгина Македониядаги ушбу зўравонлик бутун минтақада оқибати кўламини олдиндан айтиш қийин бўлган беқиёс можароларга сабаб бўлиши мумкин. Бундай хавфнинг олдини олиш мақсадидаги дастлабки одимлардан бири сифатида Македония ҳукумати тинчликпарвар кучлар томонидан назорат қилиб туриладиган беш километрлик хавфсизлик зонасини ташкил этиб, унда тинчликпарвар кучларга алоқаси бўлмаган ҳарбий шахслар, анжомлар ва қурол-аслаҳа ўтишини тақиқлаш таклифи билан чиқди.

## ҚИСҚА САТРЛАРДА

- *Македония маъмурияти Косово билан чегарадош икки чегара пунктини барча хорижий фуқаролар учун ёпиб қўйди.*
- *Россия ҳаво десанти қўшинлари қўмондонлиги Россиянинг 201-мотоўқчи дивизиясини кучайтириш учун Тожикистонга ўз ҳарбий бўлинмаларини жўнатмоқчи эмас.*
- *Европа Иттифоқи кенгаши Бош котиби Ҳавьер Солана 4-5 апрель кунлари Россияга амалий ташриф билан келади.*
- *Греция «Толибон» ҳаракати вайрон қилишни режалаштираётган Афғонистондаги Будда ҳайкалларини сотиб олиш ва мамлакатга келтириш йўлларини ўрганмоқда.*
- *Россия Бош прокуратураси Францияда ҳибсга олинган россиялик ишбилармон Михаил Живалони мамлакатга қайтариш учун зарур бўлган барча ҳужжатларни тайёрлади ва Парижга жўнатди.*
- *Тиса дарёсининг тошиши оқибатида Венгриядаги талай қишлоқлар сув остида қолди.*
- *Озарбойжон президенти Ҳайдар Алиев Парижда Тоғли Қорабоғ можароси бўйича бўлиб ўтган музокаралар натижасиз тугаганини маълум қилди.*
- *Макка яқинидаги кўприкда юз берган тиқилинчда жароҳат олган зиёратчилардан 168 нафари айни пайтда шифохоналарда даволанмоқда.*
- *Аҳолига гўшт маҳсулотлари етказиб беришда узилишлар бўлаётгани сабабли Буюк Британия ҳукумати қорамолларни сўйишни қайта бошлашга қарор қилди.*
- *Руминияда энг коррупциялашган тузилмалар божхона, суд ва парламентдир. Жаҳон банки томонидан ўтган йили мамлакатда ўтказилган сўров натижалари шундай хулосалар берди.*

## КАКТУС ҲУРМАТИ

Литванинг Шяуляй шаҳарчасида истиқомат қилувчи Алгимантас Баублис оиласи, мана 20 йилдирки, уч хонали уйида кактус парвариш қилади. Ҳозиргача кактуслар сони саккиз юзга етди. Жой танқислик қилганидан эр-хотин барча хоналарни арзанда ўсимликларига бўшатиб бериб, ўзлари ошхонада яшаб келмоқда. Улар ҳатто севимли мушук ва итларини ҳам қишлоқдаги қариндошларига бериб юборди.

*Бу дунёнинг* ИШЛАРИ

## БОНД РОЛИДА АЁЛ

Ҳолливудга оид янги миш-миш тарқалди. Бундан буён машҳур супержосус Жеймс Бонд ролини аёл киши ўйнайди. Хабарда айтилишича, Буюк британиялик актриса Кэтрин Зета-Жонс «Агент-007» фильмида бош ролни ўйнаш учун синовдан ўтмоқда. Илгари Жеймс Бонд ролида Шон Коннери, Рожер Мур ва Пирс Броснан каби таниқли актёрлар ўйнаб келар эди. 38 йилдан буён саҳнадан тушмай келаётган бу киноасар мазкур актёрларни нафақат машҳур, балки бадавлат ҳам қилиб юборди.

XXI asr va dunyo

Mamlakatlar & Odamlar & Voqealar & G'aroyibotlar

## ЎҒРИНИНГ ЖАЗОСИ

Нью-Йорк штатидаги Лебанон шаҳри фуқароси Регина Циммерман ўзига нисбатан чиқарилган суд ҳукмини эшитиб тили калимага келмай қолди. Майда ўғирлик билан тўрт марта қўлга тушган одамга қамоқ жазоси ўрнига муқобил йўлни таклиф қилишди. Қандай жазо белгиланишидан бехабар ўғри бунга рози бўлди. Чиқарилган ҳукмга биноан, бир йил давомида Циммерман савдо дўконларига кирганда, албатта, бўйнига «дўконларга ўғирликка киргани учун айбланади» деб ёзилган тахтачани осиб олиши керак.

## БОШОҒРИҚ ХАЗИНА

Польшанинг Битов шаҳридаги эски уй чордоғидан Адольф Ҳитлернинг уч юзга яқин фотосурати топилди. Мазкур уйни яқингинада сотиб олган Анжей Церапинский томни таъмирлаётган чоғда Ҳитлернинг гоҳ пиво ичаётгани, гоҳ ўз партиясининг қурултойи ёки митингларда сўзга чиққани, гоҳ футбол ўйнаётгани тасвирланган суратларини топиб олган. Ҳозир А.Церапинский ноёб топилмани нима қилиш ҳақида бош қотирмоқда.

## СОВҒАГА - АТИРГУЛ

Германияликлар ҳам бошқа халқларга ўхшаб гул сотиб олишни ва яқинларини табриклашни яхши кўради. Германияликлар ҳар йили 300 минг тонна гул харид қилади. Бироқ гул билан гулнинг фарқи бор. Масалан, германияликлар учун энг севимли гул атиргул ҳисобланади. Ўтган йили мамлакатда 1,4 миллиард марта атиргул билан савдо қилинган.

*Жаҳон маданияти юлдузлари*



# ЛЕОНИД ЯКУБОВИЧ – АЖАБСАНДА УСТАСИ

**Ўзининг камтарона босиқлиги, хушфеъллиги, очиқкўнгиллилиги билан телетомошабинлар меҳрини қозонолган Владислав Листов саъй-ҳаракатлари туфайли ойнаи жаҳон юзини кўрган «Мўжизолар майдони» кўрсатувида илк бор Леонид Якубович чиққанида, кўпчиликка у бироз қўполроқ ва бачканароқ туюлганди. Аммо, кўп ўтмай, мухлислар ушбу кўрсатувни усиз тасаввур қилолмайдиган бўлиб қолдилар.**

Энди бу одам Россия телевидениесининг энг машҳур бошловчиларидан бири. Бир қарашда бу телеюлдуз ҳақида ҳамма нарса маълумдек... Лекин, унинг оиласи, кундалик турмушда у ўзини қандай тутиши ҳақида кўпчилик билмайди. Ҳар қалай бу тўғрида кам ёзилган.

Рафиқаси – Маринанинг таъкидлашича, бунинг боиси оддий: Якубович экранда қандай бўлса, ҳаётда ҳам шундай – қувноқ, сўзамол, ҳазил-мутойибага ўч. Бирор нарсани ҳикоя қиладиган бўлса, уни соатлаб тинглаш мумкин. Бир воқеани бўрттирмай, ёлғон қўшмай, лекин, ҳар гал бутунлай бошқача қилиб, сўзлаб бера олади. Пазандалик санъатига-ку гап йўқ. Айниқса, сабзавотлар солиб шарқона усулда ажабсанда пиширишда ҳеч ким унга тенг келмайди. Ёш гўдагини авайлаб парвариш қилувчи ота сифатида ҳам бу одамга ўхшаши топилмаса керак. Шу аснода Якубовичнинг ўзи ҳаётидаги бир тунни асло унутолмайди.

...1998 йилнинг 27дан 28 мартига ўтар кечаси Леонид Якубович ҳаётида ўта ғаройиб ҳодиса рўй берди. Кун бўйи у қаттиқ ҳаяжонда юрди: съёмкалар туфайли хотинини туғруқхонага олиб боролмади, бу вазифани ёрдамчисига топширишига тўғри келди. Уйга эса ўта чарчаган, асабий ҳолда, тунги соат иккиларда қайтди. Туғруқхонадан бирор дарак йўқ эди. Бир нафас ором олиш учун ўтирган ҳам эдики, тўсатдан хонага бир аёл киши кириб келди. Новчагина, мовий кўйлак устига шарф ташлаб олган, шляпада. Унинг ортида чироқ ёниб турарди, Якубович эса, йўлакдаги чироқни ёқмаганини аниқ эслайди. Бу ҳам майлику-я, эшик қулфлоғлиқ, уйида унинг ўзи ёлғиз эди. Кириб келган аёл: «Қиз туғилади, отини Варвара қўй» деди-ю, орқага чекиниб, эшикни ёпди. Бир зум лол қолган Леонид Аркадьевич ўша томон отилди. Йўлак қоронғу, кўча эшик ёпиқ эди. Йигирма минутлар ўтгач, Москвадаги 4-туғруқхонадан сим қоқиб, у ҳозиргина қиз кўрганини хабар қилишди...

Аввалги турмушидан бўлган ўғли анча улғайиб қолган (Артём ҳозир 27 ёшда) бу одам ўзига жажжи қизалоқ туғиб берган аёл билан қандай танишган?

Марина бу ҳақда шундай ҳикоя қилади: «Биз «ВИД» телекомпаниясида бирга ишлардик, мен раклама билан шуғулланардим, 1993 йилда «Мўъжизалар майдони»нинг навбатдаги дастури Мальта, Греция, Италия, Франция каби мамлакатлардан ўтувчи, Ўрта ер денгизи сафарига отланган теплоходда суратга тушириладиган бўлди. «Фидокорона меҳнатим учун» рағбатлантириш маъносида менга ҳам шу сафарга йўлланма беришди. Муҳаббатимиз ана шу чоғдан бошланган. Якубовичнинг турмуш йўлдоши сифатида Маринадан кўпчилик «Шундай машҳур одам билан тақдирингни боғлашга қўрқмадингми? Ҳаёт анча эркалаган бу одам оддий турмушда уйдагиларни ўз инжиқликлари билан қийнаб қўймайдими?» – деб сўрайди. «Йўқ, албатта. Леонид Аркадьевич юлдузлар хасталигидан анча йироқ. Қолаверса, биз бир-биримизнинг меъдамизга тегмаймиз, – дейди Марина. – Бошқа-бошқа хонадонда, лекин бир-бирига яқин уйларда яшаймиз. Доим бир-биримизга меҳрибонмиз, бир-биримизни қўллаб турамиз ён-атрофдагилар ҳайрон бўлса бўлар, расмий никоҳсиз ҳам яхши яшаяпмиз».

Ота-онаси анча улғайиб қолган Варвара бу оилада ўзини қандай ҳис қилади? Ахир онаси уни 34 ёшида туққан-да. Леонид Аркадьевич эса, фарзандини эркалаб, силаб-сийпагувчи ота ёшидан анча ўтиб қолган.

– Нималар деяпсиз, – дейди Марина, – унинг ўзи ҳали гўдакку. Қизим билан баравар эмаклаб юради, шкафлар ва пардалар ортига яшириниб, бекинмачоқ ўйнайди. Ҳар иккимизнинг ҳам овозимиз йўқлиги сабабли қизчага ҳеч қачон қўшиқ айтиб бермаймиз, шу боис унга турли кассеталар, дисклар ташиганимиз-ташиган. Фақат бизнинг уйга ўйинчоқлар олиб келиш қатъий таъқиқланган. Чунки, эрим уларни шунчалар кўп харид қилганки, ҳозир уйга сиғмаяпти.

Леонид Якубовичнинг ўзи қизи ҳақида гапирганда жуда тўлқинланиб кетади.

– Мен уни Варвара Леонидовна деб атайман, – дейди у. – Фақат сизсираб мурожаат қиламан. Нима қилганда ҳам аёл киши-да, ҳурматини жойига қўйиш керак. У ҳеч қачон эътиборсиз қолмайди, саксон ёшли онам Римма Семёновна фақат шу гўдак учун яшаётгандек. Доим унинг атрофида парвона. Бутун умр шифокор бўлиб ишлаганлиги сабаблими, қизимнинг тетик ўсиши учун нималар зарурлигини у яхши билади. Қолаверса, қайнонам Матрёна Ивановна ҳам ҳамиша невара-сига гиргиттон.

Эфирда «Мўъжизалар майдони» намойиш этилаётган бир пайтда Леонид Якубович кичкинтой қатнашчилар ва меҳмонларга алоҳида эътибор бериб, уларни гапга соларкан, ана шу жажжи инсонлар тимсолида ўз қизи Варвара Леонидовнани тасаввур этаётган бўлса не ажаб. Ҳар ҳолда у ҳаётда ҳам болаларни севар экан.

***Умиджон УБАЙДУЛЛАЕВ.***

***(ЖАҲОН ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХАБАРЛАРИ АСОСИДА ТАЙЁРЛАНДИ).***

*Шеърият*

# ХАЁЛИМДАСАН

*Мафтундирман, дўстлар, ўшал чиройга,*
*Ўртаниб, ўхшатиб, қошини ёйга.*
*Интизор боқаман кўкдаги ойга,*
*Гўзалим, куну тонг хаёлимдасан.*

*Хушбўй эпкин ила келади наво,*
*Ширин куй дардимга бўлгайму даво,*
*Васлингга етмоқлик бўлурму раво,*
*Ғазалим, куну тонг хаёлимдасан.*

*Айлама, айлама, кўйингда адо,*
*Кутаман, келарми сендан бир садо.*
*Соғинчли юракдан отилар нидо*
*Асалим куну тонг хаёлимдасан.*

*Улуғлаб яшадим ишқдай туйғуни,*
*Кўзларим унутди энди уйқуни.*
*Номингни такрорлаб, жоним, ҳар куни,*
*Азалим, куну тонг хаёлимдасан.*

*Лов-лов ёнажакдир дилда муҳаббат,*
*Армонлар қалбимни куйдирар қат-қат.*
*Ишқ дарди менгами аталган фақат,*
*Гўзалим, туну тонг хаёлимдасан.*

**Рустам ХЎЖАЕВ.**

*Bolalik bog'i*

## TOPISHMOQLAR



Tog'dan sakrab, dur marjon,
O'simlikka berar jon,
Cho'l o'rniga bog' ochib,
Topar soyga yo'l ochib.



Ona kabi mehribon,
Pati yo'q, bola ochar.
Ichmas suv, yemas non,
Buni kim o'ylab topar?

8-саҳифа меҳмони

# ЖАҲОНДА БИРИНЧИ БЎЛАМИЗ



**Бугунги суҳбатдошимиз Ўзбекистон Таэкван-до миллий ассоциацияси президенти, таэкван-до бўйича Ўзбекистон терма командаси катта тренери Пўлат Усмоновдир. Пўлат Усмонов вилоятимизнинг Ўртачирчиқ туманидан бўлиб узоқ йиллар вилоят таэкван-до федерациясига бошчилик қилган. Мана уч йилдирки республика федерациясига бошчилик қилмоқда. Ўтган йили унга юксак унвон – «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган спорт устози» берилди.**

**– Пўлатжон, маълумки бугунги кунда ёшлар тарбиясига эътибор янада кучайди. Эртага қўлимиздан ишни оладиган, йўлларимизни дадил давом эттирадиган бугунги болаларимиз эса жисмонан бақувват, маънавий жиҳатдан етук бўлишида ўз ҳаётингиз билан боғлаб спортнинг ўрни ҳақида фикрингизни билдирсангиз.**

– Менинг болалигим Тўйтепа шаҳрида ўтган. Оилада тўртинчи ўғилман. Ўқувчилик йилларимда пана-панада каратэ билан шуғулланиб юрдим. Сабаби шўро даврида спортнинг бу тури тақиқланган бўлиб, очиқчасига шуғулланишга рухсат йўқ эди. Шунга қарамай 5-6та болалар кўздан четроқ жойларда тинмай машқ қилардик. Брюс Ли ҳақидаги фильмлардан кўрганларимизни ўзимизча амалга тадбиқ этардик. Жисмонан бақувват бўлиш учун спиртли ичимлик, сигарет у ёқда турсин, бемаҳалда бемақсад санғиб юришни ҳам йиғиштириб қўйган эдик. Кейинчалик эса, спорт бизларни доимо тўғри йўлга бошлаганига ўз ҳаётимиз мисолида амин бўлдик.

Кейинчалик ҳам олдимга бир қанча мақсадлар қўйганман. Биринчиси, юртимиз таэквандочилари дунёнинг турли мамлакатларида бўладиган мусобақаларда ғолиб чиқиб, Ўзбекистон байроғини тобора юксакларга кўтара берса. Иккинчиси, болалар қишлоқда яшайдими, шаҳарда турадими, бўш вақтини спорт билан шуғулланишга сарф этса. Шунда бекорчиликдан безорилик чиқмайди. Бунинг устига спорт инсоннинг бир-бирига ҳурматини шакллантиради, меҳр туғилади, аҳлоқ-одобдан сабоқ ҳам беради. Шунинг учун ҳам биз жуда кўплаб жойларда таэквандо ўрганиш тўгаракларини очганмиз. Уларда бу соҳани яхши биладиган мураббийлар машғулот ўтказишади.

**– Дарҳақиқат республикамизнинг турли вилоят ва шаҳарларида спортнинг таэквандо тури бўйича жаҳон, Осиё ва республика чемпионлари бор. Улар сафи яна ҳам ошишига шубҳа йўқ. Лекин бу спорт тури ҳақида гап кетса, «Тўйтепа мактаби» деган ибора ҳам қулоққа чалиниб қолади. Буни қандай тушуниш керак?**

– Гап шундаки, Тўйтепада таэкван-донинг ҳақиқий катта мактаби яратилган. Шу мактабнинг қатнашчилари орасидан жаҳон чемпионлари, ўнлаб Осиё чемпионлари, юзлаб республика чемпионлари чиққан. Яхшиси сизга ўтган йили Кореяда бўлиб ўтган ёшлар ўртасидаги жаҳон чемпионатида тўйтепалик қизларимиз ва йигитларимиз 16та медаль билан қайтишганини айтсам гапим асосли бўлар деб ўйлайман. Алла Ким эса икки марта катталар ўртасида жаҳон чемпиони бўлди. Шаҳноза Шуҳратжонова, Наргиза Умирова, Дилфуза Юсупова, Нигора Юнусова, Ира Ким, Флюра Бектемирова... Уларнинг сафи жуда узун, уларнинг ҳар бири Осиё ёки республика чемпионларидир. Ҳозир биргина Тўйтепа шаҳрининг ўзида икки мингга яқин болалар таэкван-до билан шуғулланмоқдалар. Улар орасидан юртимиз байроғини кўтарадиган чемпионлар чиқишига ишонаман.

**– Таэкван-до бўйича ўтган йили Японияда Осиё чемпионати бўлиб ўтганидан хабаримиз бор. Унда Ўзбекистон умумкоманда ҳисобида 2-ўринни эгаллади. Айтишларича 1-ўрин ҳам накд экан, лекин...**

– Биласизми, таэкван-до спорти Осиёда, аввало Хитой, Корея, Япония мамлакатларида таваллуд топган. Бу тур бўйича янги «зўр»лар чиққанда, улар ҳам зўр бериб ўзларини кўрсатишга ҳаракат қилади. Спортда баъзан ён босишлар, хатоликлар ҳам бўлади. Лекин, 2-ўрин ҳам биз учун катта муваффақият деб ҳисоблайман. Шу чемпионатда спортчиларимиз 3та олтин, 3та кумуш, 3та бронза медалларини қўлга киритишди. Худо хоҳласа, ҳали Ўзбекистон жаҳон чемпионатида ҳам биринчи бўлади. Мен бунга ишонаман.

**– Таэкван-до бўйича жаҳон чемпионлари ҳақида икки огиз сўз...**

– Сирдарёлик Владислав Нам, тўйтепалик Алла Ким, тошкентлик Элмурод Нурохунов, Дмитрий Ним сингари иқтидорли спортчилар жаҳон чемпиони деган юксак унвон эгаларидир. Яқин орада эса ўзбек қизларимиз орасидан ҳам жаҳон чемпионлари чиқади. Улар бу юксак шараф учун дастлабки дадил қадамларни ташлашмоқда.

**– Илойим шундай бўлсин. Энди сизга спортдан ташқари бир савол берсам. Спортдан бошқа бирон нарсага ҳам қизиқасизми?**

– Албатта, яхши қўшиқларни жон деб тинглайман, адабиётга қизиқаман. Айтмоқчи, онамиз Раънохон опа томонидан машҳур шоир Усмон Носирга қариндошлигимиз бор. Болаларимни яхши кўраман. Бўш вақт топдим дегунча кўп вақтим спорт билан ўтади. Айниқса мактаб ўқувчиларининг спортга жалб этилишига кўп вақт сарфлайман. Чунки улар эртага мустақил ҳаётга қадам қўйиб, шу юрт учун, шу Ватан учун фойдали кишилар бўлишини жуда-жуда хоҳлайман.

**– Мана янги XXI аср ҳам бошланди. Сизнингча, бу асрда Ўзбекистон спорти қай даражага эришади?**

– Мен боя ҳам айтиб ўтдим. XXI асрда Ўзбекистон буюк давлат бўлади, спортда эса дунёда биринчи бўламиз. Мард, қўрқмас, матонатли ва ориятли йигитларимиз, қизларимиз етишиб келяпти. Уларнинг юрагида Ватан туйғуси жуда кучли, иймонлари бутун. Мард элнинг болалари ҳам мард бўлади.

***Ҳамид НОРҚУЛОВ.***

## Кулганга нима етсин!

### КАЙФИЯТ

– Шу негадир учинчи кунки, ишлагим келмаяпти-я.

– Ҳа, чоршанба бугун.

### ВОЙ-БЎ...

– Официант! Тиш тозалагични беринг!

– Кутиб туринг, банд.

### АЗОБ

Бир йўловчи чўлда чанқоқдан ўлаёзган ҳолда кетиб бораётган экан. Бирдан кўрсаки, бир одам бўйинбоғлар сотаётган эмиш:

– Бўйинбоғ сотиб олинг!

– Қанақа бўйинбоғ, қанийди ҳозир бир қултум сув бўлса!

Йўловчи яна юриб-юриб ресторанннинг олдига келибди. Ресторан пештоқида эса ёзув: «Бўйинбоғсиз кириш мумкин эмас».




Об-ҳавони кузатиш бош бошқармасидан хабар қилишларича, 10-14 март кунлари пойтахтимиз ва Тошкент вилоятида об-ҳаво ўзгариб туради. Вилоятимизнинг айрим ҳудудларида қисқа муддатли ёмғир, тоғли туманларда эса, қор ёғиш эҳтимоли бор. Шамолнинг тезлиги ҳар сонияда 15-20 метрга етади.

Шу даврнинг кейинги кунларида ҳарорат бироз пасаяди, кечалари 0-5 даража, кундуз кунлари 6-11 даражадан 13-18 даражагача илиқ бўлиши кузатилади.

## ЭВИ БИЛАН ЧАЙНАНГ

Ҳар куни ойнаи жаҳонда «Дирол», «Орбит» сингари сақичларни реклама қилишади. Уни гўзал аёллар шундай иштаҳа билан чайнашадики... Хўш, улар чиндан ҳам фойдалими? Балки тишни тозалаб, нафас ҳидларини олар. Лекин, сақич чайналганда ошқозон шарбати ажралиб чиқа бошлайди. Мабодо бу ҳол қорин оч ҳолатда бўлса сурункали гастрит, ҳатто ошқозон ярасини келтириб чиқариши мумкин. Олимларнинг таъкидлашича, бир пайтда чайнаб, ҳам чекиш мутлақо зиён экан. Чунки сақич сигарет тутунидан заҳарли моддаларни ажратиб олади, у туфук билан ошқозонга тушади. Шу тариқа рак бўлиш хавфи туғилади. Ҳар қандай сақичдан кўра тишни ўз вақтида парвариш қилиб борганга нима етсин. Хуллас, ёшлар ҳам, болалар ҳам, кексалар ҳам сақични камроқ, шунда ҳам овқатдан кейин чайнаганлари маъқул.

*Билиб қўйган яхши*

## БЎЙИНГИЗНИ ЭРТАЛАБ ЎЛЧАНГ

Одам эрталаб «бўйи узун» бўлиб ўрнидан туради. Кечқурун эса бир-икки сантиметр «чўкади». Мабодо кундуз кунлари кўп юрилса 4-6 сантиметргача ҳам чўкиш мумкин. Бунга сабаб умуртқа поғонаси ва бўғимлар оралиғи қисилади.

«Тошкент ҳақиқати» газетаси жамоаси таҳририятнинг собиқ ходими Миржалол Миралиевга волидаи муҳтарамаси **РОЗИЯХОН ая**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

TOSHKENT HAQIQATI
*Муассис:* ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

*Бош муҳаррир* **Фатҳиддин МУҲИДДИНОВ**

*Телефонлар:*
*Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 133-40-48.*
*Эълонлар: 133-40-48, 136-57-27.*

*Манзилимиз:*
700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида № 8 рақам билан рўйхатга олинган

• Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Буюртма Г-2004. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-3. *Саҳифаловчи: Тўлқин РАУПОВ.*

*"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.*
Нашр кўрсаткичи — 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 19.30. 1 2 3 4 5 6